ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

12 СОН, 3 ЖИЛД

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 12, ВЫПУСК 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 12, ISSUE 3

ТОШКЕНТ-2020

ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST
№12 (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент Ўзбекистон Миллий университети

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат университети, Грузия

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор Россия ФА, Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Фарҳод Абдувалиевич Адилов
ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ
(1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА)……4

2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова
“ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ…….…...10

3. Отабек Аманиллаевич Бахриев
ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ…….……15

4. Жонибек Бўтаев
XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ…….…….……..22

5. Рахмон Ибрагимов
ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ
ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР…….…….....30

6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов
XIX ASR IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA
TURKISTONDA BOJXONA ISHI HAQIDA…….……..…….……..38

7. Юлдузхон Имомова
ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ…….……48

8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ
ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ…….…..……..53

9. Тимур Туляганович Раишев
XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ
ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР……...59

10. Нодира Набиевна Сафиходжаева
ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ…….67

11. Азизбек Гўзалович Холлиев
XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ…….75

12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН……..82

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Фарҳод Абдувалиевич Адилов,
Тошкент молия институти
катта ўқитувчиси

ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА)

For citation: Farkhod A.Adilov, FREE AID TO AZERBAIJAN TO THE UZBEK PEOPLE (on the example of the Tashkent earthquake of 1966). Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.4-9

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-1

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 1966 йил 26 апрелда юз берган зилзила оқибатлари натижасида ўзбек ҳалқининг бошига оғир кунлар тушган мана шундай вазиятда совет республикалари шу жумладан Озарбайжон ССРнинг қардошлик ёрдами ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: зилзила, қурилиш, Озарбайжон, палатка, сейсмик, табиий офат.

Фарход Абдувалиевич Адилов,
Старший преподаватель
Ташкентского финансового института

БЕЗВОЗМЕЗДНАЯ ПОМОЩЬ АЗЕРБАЙДЖАНА УЗБЕКСКОМУ НАРОДУ (на примере Ташкентского землетрясения 1966 года)

АННОТАЦИЯ

В статье дается обзор последствий землетрясения 26 апреля 1966 года в Ташкенте, столице Узбекистана, в котором Советскому Союзу, в том числе братской стране Азербайджанской ССР, пришлось столкнуться с трудными временами перед лицом узбекского народа.

Ключевые слова: землетрясение, строительство, Азербайджан, палатка, сейсмика, стихийное бедствие.

Farkhod A.Adilov
Senior lecturer
Tashkent financial Institute

FREE AID TO AZERBAIJAN TO THE UZBEK PEOPLE (on the example of the Tashkent earthquake of 1966)

ABSTRACT

The article provides an overview of the effects of the earthquake on april 26, 1966 in Tashkent, the capital of Uzbekistan, in which the Soviet Union, including the fraternal country of the Azerbaijan SSR, had to face difficult times in the face of the uzbek people.

Index Terms: earthquake, construction, Azerbaijan, tent, seismic, natural disaster.

1.Долзарблиги:

Тарихдан бизга маълумки халқимиз ўз мехнати ва мехмондўстлиги билан машҳурдир. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз ташқи сиёсатимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз. Чунки: Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир!”[1]. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ўзбек халқи II-жаҳон уруши йилларида уруш олови ёнган ҳудудлардан кўчириб келтирилган болалар, ярадорлар, қарияларни ўз бағрига олиб, меҳр-мурувват кўрсатди. Ўз навбатида ўзбек ҳалқининг бошига оғир кунлар тушганда совет давлати ҳудудидаги республикалар, шу жумладан Озарбайжон ССР ҳам беғараз ёрдам қўлларини узатди. Ушбу мавзунинг ўрганилганлиги ҳақида сўз кетганда асосан СССР давридаги мақолалар борлигини таъкидлаш лозим[4,5,6,7,8,9,2]. Мустақиллик йилларида олимларимиз томонидан ушбу мавзу ёритилмаган.

2. Методлар:

Масала тарихини ўрганиш ва тизимлаштириш, таққослаш, тарихий маълумотларни умумлаштириш, илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, холислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 1966 йил 26 апрел эрта тонгда қаттиқ ер силкиниши рўй берди. Тошкент сейсмик жиҳатдан хавфли узунлиги 220 км, эни 10-20 км бўлган Пскент-Тошкент сейсмоген ҳудудда жойлашган бўлиб, 1966 йилдаги зилзилада сейсмиклик 8 баллга тенг бўлди. Зилзиланинг марказида 8 баллик ер қимирлаши Тошкент шаҳрини вайронага айлантирди. Расмий равишда 9 нафар инсон вафот этган деб маълумот берилди, 2211 нафар киши эса яраланди. Жабрланувчиларнинг сони буқадар кам эканлигини ҳукумат ер силкиниши горизонтал эмас, балки вертикал бўлганлиги, бинолар секин-аста қулаганлиги, одамлар эса зилзила бошланган вақтда ухлаётган бўлсада, қутулиб қолишга улгурганлиги билан изоҳланди.Вайрон бўлган бинолар сони жуда кўп бўлди. 12 секундда 85 минг хонадон, 700 га яқин савдо ва ижтимоий объектлар, 220 та болалар боғчаси, 181 та мактаб, 36 та маданий объектлар, 26 та коммунал хизмат корхоналари,185 та тиббиёт ва 245 та саноат бинолари вайрон бўлиб, ер билан баробар бўлди. Бу вақтда шаҳарда 1 млн. киши истиқомат қилиб, 61.771 оила уйидан айрилди. Қисқа вақтда шаҳарда 600та вақтинчалик дўконлар очилиб, 15.400 палаткалар ўрнатилди [3].

Ўзбекистон КП МҚ, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари табиий офат оқибатларини тугатишга киришди. 25 кишидан иборат республика ҳукумат комиссияси, шунингдек, вилоят, шаҳар, туман комиссиялари тузилиб, улар зилзила оқибатларини тугатишга алоқадор бўлган масалалар билан шуғулландилар. Бундан ташқари, саноат корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда табиий офатдан зарар кўрган ишчилар ҳамда хизматчиларга ёрдам комиссиялари тузилди.

1966 йил 7 майда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб, унда Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга энг зарур ёрдам чоралари тўғрисида”ги махсус қарорини қабул қилди[10]. Бу қарорга биноан Ўзбекистон пойтахтининг табиий офатдан зарар кўрган аҳолиси учун 1966 йил қиш тугагунга қадар иттифоқдош республикаларнинг фаол иштироки ва ёрдамида зарур шарт-шароитлар яратиб бериш биринчи даражадаги вазифа деб ҳисобланди. Айни пайтда 1966 йилда Тошкентда 791 минг кв. м., 1967 йилда 1.368.000 кв. м., 1968 йилда 762 минг кв. м.,

1969 йилда 939 минг кв. м., 1970 йилда 1.39.000 кв. м., турар жой қуриш белгилаб берилди[11].

Тошкентда бўлган ер қимирлашида вайрон бўлган шаҳарни қайта тиклаш ишларида Озарбайжон халқининг меҳнати катта бўлди. 1966 йил 21 майда Озарбайжон ССР КП МҚ ва Озарбайжон ССР Министрлар Советида ҳам "Зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига биродарлик ёрдами" тўғрисидаги Қарори чиқди. Фармонда собиқ иттифоқдош республикалар қаторида Озарбайжон ССРдан зилзила оқибатларини тугатиш мақсадида ёрдам берилиши белгиланди. Қарор асосида Озарбайжондан 10 нафар қурувчи – муҳандислар, шунингдек, қурилиш ишлари учун 2 та қурилиш поездларини юборди. Бу Фармонга кўра Озарбайжон ССР 35.минг кв.метр уй-жой қурилишини 1966 йилда 10 минг.кв.метр., 1967 йилда 25 минг.кв.метрни битказиш белгиланди[20].

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг "Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги Қарорига ва Озарбайжон ССР КП МҚ ва Озарбайжон ССР Министрлар Советида ҳам "Зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига бродарлик ёрдами" тўғрисидаги Қарорига асосан Озарбайжонга белгиланган вазифаларни амалга оширишда озарбайжон халқининг меҳнати катта бўлганлигини таъкидлаш лозим. Қарорга кўра Тошкентга инженер-техник ходимлар гуруҳини юбориш вазифаси топширилди, озарбайжонлик қурувчилар томонидан 1966 йилда 1,4 млн. рубллик иш бажарилди. 1966 йилнинг ўзида 120 та квартира қуриб битказилди[22].

Бу зилзиладан Озарбайжон ССРда ҳам Ўзбекитонга ёрдам бериш учун тузилган турли бригадалар Тошкентдаги умумий вазиятни, аҳолининг эхтиёжларини ўрганиш мақсадида Озарбайжон ССР Қурилиш ишлари бўйича Давлат Қўмитасининг раиси А.Исмоилов бошчилигидаги комиссия Тошкент шаҳрида уч кун бўлиб, керакли маълумотларни олди. 17 майда Озарбайжон ССРдан 820 та электродивигатель, турли диаметрли 400 тонна труба, 30 минг кв.м. қуруқ штукатурка, 12 та кран ва турли қурилиш материалаллари келтирилди.

Шундай бўлсада материлларини етишмаслиги, озиқ-овқат танқислиги натижасида етишмовчиликлар келиб чиқа бошлади. Эски биноларни қайта тиклаш эмас, балки шаҳарни бутунлай янги режалар асосида қуриш мақсадида Озарбайжондан Ўзбекистонга қўшимча тарзда ер қазийдиган машиналар, қурилиш механизмлари, қурувчилар бригалари ва қурилиш материаллари юкланган махсус поезд юборилди. Главбакстрой ҳузурида Тошкентдаги бакулик қурувчиларни бошқариш бўйича штаб тузилди. Озарбайжондан юборилган биринчи бригада жами 19 та 5-қаватли уйлар қуриши лозим эди. Айни пайтда улар Чилонзор "К-24" даҳасидаги ва Навоий кўчаси бўйлаб 7 та кўп қаватли биноларни ҳам қурдилар[12]. Озарбайжондан келаётган кўмак ёрдамида 1967 йил 1 февраль ҳолатига кўра Тошкент зилзиласида ишловчилар сони белгиланган 400 нафар ишчи ўрнига 180 нафар кишига етди[21]. 1966 йил 10 март ҳолатига кўра ҳам 180 нафар ишчи ишлади[22].

Баку денгиз порти, Баку аэропорти, Озарбайжон темир йўл бекатлари Тошкентга навбатдан ташқари юклар ўтказгани учун бир неча сменада ишлади. Биргина Боку денгиз порти ҳам кемалар орқали Каспий денгизига қурилиш материлларини тезликда етказиб бериш вазифасини олди. Ёрдам кўрсатишнинг биринчи кунларида "Совет Озарбайжони" ва "Совет Туркманистони" кемалари Тошкентга 700 тонналик дизелли электроходларни Краснодск (ҳозирги Туркманбоши) шаҳрига етказиб берди. Олтмиш чоғли Боку қурилиш поезди Арманистон ва Грузия орқали Тошкентга юборилди. Аввал 35 минг квадрат метр уй-жой қуриш мажбурияти олинди. Қурилиш материаллари ва қўшимча ишчи кучларнинг етишмаслиги натижасида яна Озарбайжондан 100 нафар қурувчи келди. Тошкент зилзиласи вақтида Ф.Байрамов бошлиқ монтажчилар, А.Мамедов бошлиқ сувоқчилар, А.Арутюнов бошлиқ пайвандчилар, А.Аркас бошлиқ дурадгорлар бригадаларининг ишлари таҳсинга сазовордир[13].

Қурилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистонга инженер-техниклар бригадаси, Боку Бош Қурилиш бошқармаси қурувчилари турли қурилиш асбоблари билан Тошкентга етиб келди. Қурилиш ишлари бўйича Озарбайжон ССР Давлат Қўмитасига Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш қўмитаси билан Тошкент шаҳрини қайта тиклаш учун керакли ишлар

бўйича лойиҳаларни келишиб олиш вазифаси юклатилди. Лойихалаш бўйича мутахассислар Ўзбекистонга юборилди[14].

1966 йил май-июнь ойларида бокуликлар томонидан Ўзбекистонга қурлиши материллари, бўёқлар, автомобиль шиналари, ҳатто картошка ҳам юборилди. Озарбайжон халқи зилзиладан сўнг икки йил ичида Тошкент аҳолиси учун 24 та кўп қаватли хушбичим уй-жой қуриб берди ва 1150 нафар оила бошпана билан таъминланди. Озарбайжон республикасидан келган ёрдамда 820 та электр двигатели, Озарбайжон шифер комбинати 240 минг дона шифер жўнатди[15].

Тошкент зилзиласи содир бўлгач, собиқ иттфоқдош республикларнинг турли ерларидан ёрдам бериш истагини билдирган кишилардан хатлар ҳам кела бошлади. Озарбайжон ССРдаги Сумгаит шаҳри кимё комбинатининг муҳандиси В.Шафиев ўзининг икки хонали янги уйини Тошкент зилзиласида зарар кўрган бирорта оилага бутун жиҳозлари билан бирга фойдаланишга беришга тайёрлигини маълум қилди. У ўз хатида “Бу арзимаган ёрдам бизларнинг, ҳаммамизнинг, совет кишиларининг битта катта оила эканлигимизга яна бир далил бўлсин”[16], деб ёзди. Бошқа фуқаролар ҳам унинг фикрини маъқуллаб ўз хонадонларини таклиф қилдилар ва натижада 1966 йил 15 майдан 1967 йил 1 апрелга қадар Озарбайжонга Тошкентдан 262 та оила кўчирилди. Бакудан Тошкентга қуйидаги мазмунга эга бўлган ўнлаб телеграммалар келди: Мен, Агаев Жавдет Алиевич, ВЛКСМ аъзоси, шаҳарни тиклашга ёрдам бериш учун Тошкентга бормоқчиман. Мутахассислигим чилангар-труба ўтказувчи ва бульдозерчи. Манзилим: Баку-3, Ханлара кўчаси 59, 1 хонадон”.[12]

1966 йил Тошкент шаҳридаги зилзила натижасида Озарбайжоннинг Боку, Сумгаит, Кировобод, Мингечаур шаҳарларига 300 оилани юбориш белгиланди. 1966 йил 12 октябрь ҳолатига кўра 220 оила жўнатилган ва 80 нафар оилани жўнатиш ишлари олиб борилган [17]. Мингечаур ва Кировобод шаҳарларига эса кўчиб бориши режалаштирилган оилалардан белгиланган даражада аризалар келиб тушмади. Натижада Боку шаҳрига режадаги 150 оиладан 145 нафари, Сумгаит шаҳрига режадаги 50 оиладан 47 нафари, Кировобод шаҳрига режадаги 50 оиладан 18 нафари, Мингечаур шаҳарига режадаги 50 оиладан 10 нафари юборилди[18]. Бу ишлар 1966 йил август ойида тугалланди[19].

1966 йил 25 май куни озарбайжон Коммунистик партияси Баку шаҳар қўмитаси Тошкентда меҳнат қилаётганлар, зилзиладан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишни марказлаштириш мақсадида шаҳар комиссиясини ташкил қилди.Тошкентликлар дуч келган муаммолардан бири бу болаларни хавфсиз ерларга жойлаштириш, ёз вақтида уларнинг дам олишини ташкиллаштириш бўлди. Силкинишлар давом этар эди, деярли барча болалар боғчалари вайрон бўлган, 195 та мактабдан 172 таси ишдан чиққан эди. ОзССР ЛКСМ МҚнинг 1966 йил 30 майдаги қарорига биноан озарбайжон пионерлар оромгоҳларида 1200 та тошкентдик болалар учун жойлар тайёрлаб қўйилди. Болаларнинг биринчи гуруҳи (Тошкент Тепловоз депоси ходимларининг болалари) 7 июнь куни етиб келди, сўнг қолган болалар ҳам кела бошлади. 700 та бола Мардакян ва Шувелан оромгоҳларига, 500 та бола эса корхона ва касаба уюшмаларининг оромгоҳларига жойлаштирилди.

Озарбайжон Тошкентда 35 минг кв.м. турар жой қуриб, қурилиш ишлари ҳажми бўйича Москва, РСФСР, Ленинград, Украинадан кейин 5- чи ўринни эгаллади. Кўп даҳалар, кўча ва уйларга уларни қурган ёки қуриш ишларида кўмаклашган шаҳарлар, шу жумладан, “Баку” ва “Озарбайжон” номлари берилди.

Тошкентга маданият арбоблари ҳам ёрдам кўрсатдилар. 1966 йил 17 декабр куни Тошкентдаги Свердлов номидаги концертлар залида озарбайжонлик машҳур қўшиқчи Муслим Магамаев бир қатор концертлар қўйди, улардан тушган маблағларини эса Тошкентга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказди.

Озарбайжонлик қурувчиларнинг фидокорона меҳнати муносиб баҳоланди. Қурилиш ишлари тугагач, Ф.Н.Байрамов (БакГлавстройнинг биринчи турар жой қуриш комбинати бригадири, экскаваторчи И.Г.Асланов (“Бакгорстроитмеханизации” трести), Г.К.Алиев (биринчи турар жой қуриш комбинати катта қурувчиси) бир қатор қурувчилар орденлар билан мукофотландилар, Озарбайжонлик 135 қурувчига “Тошкент қурувчисига” номли

махсус мукофот белгиси, 21 курувчига эса Ўзбекистон КП МҚ, Олий Кенгаш Президиуми ва Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамасининг фаҳрий ёрлиқлари топширилди[23].

Озарбайжоннинг Тошкентга кўрсатган ёрдами зилзила оқибатларини йўқ қилиш билан чегараланиб қолмади. Масалан, 1967 йилда бошланган Тошкент метроси қурилишида 5 та гуруҳ иштирок этди (Москва, Ленинград, Киев, Харьков ва Баку метро қурувчилари). Зилзила оқибатлари уч ярим йилдан сўнг бутунлай йўқ қилинди ва озарбайжонликлар сўнгги кунгача тошкентда меҳнат қилдилар. Ҳудуднинг сейсмик жиҳатдан хавфлилиги сақланиб қолган бўлса-да, кўп озарбайжонлик қурувчилар Тошкентда қолдилар.Бу уларнинг меҳнати ишончли эканлигининг энг яхши кафолати эди, чунки улар ўзлари қурилишда иштирок этган шаҳарда яшашга қарор қилдилар.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш зарурки доно халқимиз айтганидек “Дўст бошга кулфат тушганда билинади”, айнан ўзбек халқининг оғир кунларида озарбайжонлик қардош дўстларимиз ўзларининг ёрдам қўлларини чўзиб ўзбек ҳалқининг дардига дармон бўлди. Тошкент шахрининг кўркига-кўрк қўшувчи замонавий уй-жойлар ва иншоатлар қурилишида, зилзила талофатларидан зарар кўрган аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган ашёларни беками кўст етказиб беришди. Шундай экан икки қардош халқлар ўртасидаги алоқалар хозирга қадар давом этиб келмоқда.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. 1.Ш.Мирзиёев.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.Ташкент. Ўзбекистон, 2018. – Б. 31. (Mirziyoyev Sh. Speech at the ceremony dedicated to the 26th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 2018 .- P. 31.)
2. Ликвидация последствий Ташкентского Землетрисения. – Ташкент. Узбекистан, 1972. – с. 246. (Elimination of the consequences of the Tashkent Earthquake. - Tashkent. Uzbekistan, 1972 . - P. 246.)
3. Безруков Б., Гойхман М., Модестов Ю. Здраствуй Ташкент. – Ташкент. Узбекистан, 1970. – С. 168. (Bezrukov B., Goykhman M., Modestov Yu. Hello, Tashkent. - Tashkent. Uzbekistan, 1970. - P. 168.)
4. Растёт число паромов // Kommunist. 1967 г., 29 август. (Increase the number of ferries // Communist. 1967, August 29.)
5. Ташкент – город братства. – Ташкент. Изд. ЦК КП Узбекистана, 1969. (Tashkent is a city of brotherhoods. - Tashkent. Ed. Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan, 1969.)
6. Нуруллин Р.А. Тўйчиев Қ. Халқлар дўстлиги – буюк куч (Совет халқларининг дўстлиги ҳақида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. (Nurullin R.A. K. Toychiev Friendship of Peoples is a Great Power (about the friendship of Soviet peoples). – Tashkent: Uzbekistan, 1970.)
7. Тошкент – қардошлик шаҳри (1966 йил зилзилада қардош республикалар ёрдами). – Тошкент, 1970. (Tashkent is a twin city (assistance to the twin republics during the 1966 earthquake). – Tashkent, 1970.)
8. Вороненков Н.Д. Дўстликдан бунёд бўлган шаҳар. – Тошкент, 1971. (Voronenkov N.D. A city built on friendship. - Tashkent, 1971.)
9. Ташкентское землетрясение. 26 апреля, 1966 года. – Ташкент: Фан, 1971. (Tashkent earthquake. April 26, 1966 – Tashkent: Fan, 1971.)
10. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети ҳукумат йиғилиши. Правда. 1966 йил, 8 май. (Meeting of the Government of the Central Committee of the CPSU and the Council of Ministers of the USSR. May 8, 1966.)
11. Халқлар дўстлигининг буюк кучи. – Тошкент. Ўзбекистон, 1974. -257 бет. (The great power of friendship between peoples. - Tashkent. Uzbekistan, 1974.-257 p.)

12. Зейналова М. Исторические связи Азарбайджанского и узбекского народов в XIX-XXвеках. Диссер.на соис.уч.степ.докт. философ. по истор наукам. – Баку. 2010. – С.144 (Zeynalova M. Historical ties of the Azarbaydzhan and Uzbek peoples in the XIX-XX centuries. Dissertation for co-academic degree doct. philosopher. on the history of sciences. - Baku. 2010. - P. 144.)
13. Пересадо М. Қоялардек мустаҳкам, дарёлардек жўшқин // Тошкент бинокори. 1967 йл 22 январь. (Peresado M. Strong as rocks, bright as rivers // Tashkent binokori. January 22, 1967)
14. Алекперов А. Истории братской связи Азербайджана с Узбекистаном.ІСТОРИЧНІ НАУКИ.Збірник наукових праць “Гілея: науковий вісник”. Випуск 84. С 212-217 (Alekperov A. History of fraternal ties between Azerbaijan and Uzbekistan. HISTORICAL SCIENCES. Zbirnik naukoviks prats "Gilea: naukovy vysnik". Issue 84.C 212-217)
15. Оллоҳбердиев Ж. Боку барпо этаяпди // Тошкент оқшоми. 1966 йил 6 август. (Ollokhberdiev Y. Builds Baku // Tashkent evening. 6 August 1966)
16. Қардошлар ёрдами. // Правда Востока. 1966 йил, 27 май. (Brothers to help. // Truth of the East. May 27, 1966.)
17. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 183. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 183.)
18. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 181. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 181.)
19. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 206. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 206.)
20. ЎзМА Ф-2515, опись-2, дело-1. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-1.)
21. ЎзМА Ф-2515, опись-2, дело-7. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-7.)
22. ЎзМА Ф-2515, опись-2, дело-37. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-37.)
23. ЎзМА Ф-2515, опись-2, дело-41. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-41.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Камолахон Юсуповна Абдуразакова,
Тошкент кимё-технология институти доктаранти
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

“ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

For citation: Kamolaxon Y.Abdurazakova, THE CONCEPT OF "INTERSTATE RELATIONS" AND ITS MEANING. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.10-14

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-2

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро муносабатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий, гуманитар ва бошқа соҳалар ривожланиши йўлидаги алоқалари, дунё миқёсида фаолият юритаётган сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлари ҳақида сўз боради. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, халқаро сиёсат, халқаро ҳуқуқ, давлатлараро муносабатлар, дипломатик алоқалар.

Камолахон Юсуповна Абдуразакова,
докторант Ташкентского химико-технологического института
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

ПОНЯТИЕ «МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫЕ ОТНОШЕНИЯ» И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается взаимосвязь международных отношений в развитии экономической, политической, правовой, дипломатической, военной, гуманитарной и других сфер, взаимосвязь между политическими силами, действующими в мире. Этот аспект номера служит дополнительным материалом для работ, опубликованных на международной арене.

Ключевые слова: Мировая политика, международные отношения, международная политика, международное право, межгосударственные отношения, дипломатические отношения.

Kamolaxon Y. Abdurazakova,
Doctoral, Tashkent Chemical Technology Institute
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

THE CONCEPT OF "INTERSTATE RELATIONS" AND ITS MEANING

ABSTRACT

The article examines the relationship of international relations in the development of economic, political, legal, diplomatic, military, humanitarian and other spheres, the relationship between the political forces operating in the world. This aspect of the issue serves as additional material for works published on the international stage.

Index Terms: World politics, international relations, international politics, international law, interstate relations, diplomatic relations.

---

1. Долзарблиги:

Халқаро муносабатларда давлатларнинг ўзаро алоқалари асосий ўринни эгаллайди. Чунки, давлат халқаро майдонда сиёсатни амалга ошириш учун қонуний ваколатларга эга бўлган ягона миллий институт сифатида қаралади. Жумладан, давлатлараро шартномаларини тузиш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳаттоки, уруш эълон қилиш ҳам ана шу давлатнинг ваколатига киради. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг энг муҳим таркибий қисми глобал иқтисодий вазиятлар таъсирида юзага келувчи давлатлараро муносабатлардир. Айрим давлатларнинг ҳалқаро муносабатларга таъсири ҳар ҳил, бу давлатнинг кучини, унинг ҳалқаро рақобатбардошлилигини, иқтисодий, харбий потенциали, табиий ва меҳнат ресурслари, фан ва маданиятнинг ривожланиш даражаси, юқори технологиялар соҳасидаги ютуғлари, ижтимоий ютиқлари ва барқарорлик даражасида белгиланиши билан боғлиқ бўлади.

2. Методлар:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда “давлатлараро алоқалар” тушунчаси ва унинг моҳияти илмий таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этиб, давлатлараро алоқаларнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда. Чунки тарихий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши аввало, айнан давлатлараро алоқаларнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатлараро алоқалар ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати ва албатта унинг катта бир бўлаги бўлган дипломатия ҳисобланади.

Давлатнинг ташқи алоқаларини икки давлат ўртасида тузилган ўзаро манфаатлари йўлида бирлашган иттифоқ ёки давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналиши сифатида ҳам кўриш мумкин.

Ташқи сиёсат - маълум бир давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар билан муносабатларини, унинг принциплари ва мақсадларига мувофиқ, икки давлатнинг ҳуқуқий базаларига амал қилган ва ҳурмат қилган ҳолда тартиблаштирилади. Ташқи сиёсатнинг энг муҳим воситаси бу - дипломатияси саналади. Давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколат фақат Ташқи Ишлар Вазирлигига юклатилади.

Ташқи сиёсат асосан давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқалари назарда тутилади. Бу ўз навбатида давлатларнинг эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда юз беради. Ташқи сиёсат давлатнинг ички сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди ва ҳар бир давлатнинг ички сиёсати ташқи сиёсий-иқтисодий барқарорлик натижасида ривожланади. Аммо бу давлатнинг ички сиёсати ташқи сиёсатга таъсир қилмайди дегани эмас, қайсики, давлатнинг ички сиёсати барқарор бўлмаса, шу давлатнинг ташқи алоқаларини йўлга қўйиб бўлмайди. Тадқиқотчи олимларимиздан М.Қирғизбоевнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг муҳим тамойиларидан бири давлатлараро муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлигини назарда тутади. Сабаби, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш шароитида ўз анъаналари, урф-одати ва ўз тартибларини ҳамма учун наъмуна сифатида тақдим этиш, ўз миллий манфаатларинигина тан олиш асосида сиёсат юритиш мумкин эмас. Бундай сиёсат

эгоценризмга, бир мамлакатни иккинчи мамлакатга қарши қўйишга, ўзининг ўзгалардан устунлигини кўз-кўз қилиш туйғуларини намоён этишга олиб келади.[1, С. 58] Олимнинг бу фикрларини муносиб билган ҳолда давлараро алоқаларда фақат бир давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш давлатлараро муносабатларнинг таназзулга учрашига ва давлатлар ўртасида якка ҳукмронликни йўлга қуйиш вужудга келтириши мумкин. Бу эса жаҳон давлатлари ўртасида ягона хукмрон давлатни юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияга кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлиликни тан олиш, ўзаро манфаатдорлик, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби ғояларга асосланади ва барча тинчликсевар мамлакатлар билан ташқи алоқалар ўрнатиш тамойилига амал қилади[2, С. 112].

Давлатлараро алоқалар икки давлатнинг ўзаро алоқаларини давимийлигини назарда тутади ва халқаро муносабатларда давлатлар дипломатияси номи билан аталади. Дипломатик алоқалар юқорида айтилганидек, ташқи сиёсатнинг йўналиши бўлиб, давлатлараро муносабатларни ижобий ҳал этиш мақсадида йўлга қўйилган, бундай алоқалар мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими ва ўзаро манфаатларни мувозанатлаштирувчи ҳамкорликни вужудга келтиради. Бугунги кундаги ўзгаришлар айнан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Давлатлараро муносабатларда мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, халқаро муносабатларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича хукумат ва ҳалқаро алоқаларнинг махсус органлари раҳбарларининг расмий фаолияти ва давлат фаолияти дипломатия деб аталувчи алоҳида соҳани ташкил этади.

"Дипломатия" сўзи юнонча "diploma" сўзидан олинган бўлиб, қадимий Юнонистонда элчиларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат сифатида устига ёзув тушурилган тахтачалар берилган[3, С. 3].

Тарихдан маълумки, “Дипломатия” атамаси XVIII охиларида Ғарбий Европа давлатларида халқаро сиёсатининг воситаси сифатида қўлланила бошланган. Вақт ўтиши билан мустақил давлатлар сонинг кўпайиши ва улар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашиши билан дипломатиянинг жамиятдаги ўрнини янада кенгайтирди. Савдо ва маданий алоқаларниг ўсиши, худудий чегара муаммоларининг пайдо бўлиши, дипломатиянинг ваколатларини кучайтирди ва давлатлараро алоқаларнинг асосий воситаси сифатида илгари сурилди. Шу омиллар сабабли ҳалқаро муносабатларни ривожлантириш жараёнида дипломатиянинг аҳамияти ўсди ва бу жамият ва давлатларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши бўлган дипломатик алоқаларни йўлга қўйди ва буганги кунда бу сиёсат ўз самарасини берди. Жумладан, халқаро ҳуқуқий шартномаларга таянган ҳолда, 1961 йилнинг диломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига ва 1968 йилнинг Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясига қўшилган давлатлар қаторига кирди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дипломатик алоқаларнинг ҳуқуқий асосидир.[4, С. 12]

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонун[5, С. 5], “Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиблари тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ҳодимлари учун дипломатия даража ва мартабани белгилаш тўғрисида”ги қонунлар [6, С. 3] асосида амалга оширилади. Шундай экан, ташқи сиёсат ва дипломатия бир-бири билан уйғунликда юриб, бир-бирини тўлдиради деган ҳулоса намоён бўлади.

Дипломатиянинг фаолияти кўпинча давлатлар тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, ундан моҳирона фойдаланиш кучли сиёсат воситасига айланади. Жаҳон сиёсатида юз берган ёки юз бераётган ҳалқаро муносабатлардаги кўплаб ютуқларни малакали

дипломатлар ва юқори даражадаги дипломатия таъминланган бўлсада, ҳалқаро зиддиятлар эса ноъмақул дипломатиядан далолат беради. Дипломатия тушунчаси ҳалқаро можароларнинг олдини олиш ёки ҳал қилиш, муросалар ва мақбул ечимларни топиш, шунингдек ҳалқаро миқёсда ҳамкорликни кучайтириш ва такомиллаштириш бўйича музокаралар ўтказиш маҳорати билан боғлиқдир. Тарихий манбалар ва ҳужжатлар шуни кўрсатадики, давлатлараро муносабатларнинг "кучга таянган ҳолда" амалга оширилиши, қонли урушларга олиб келган. Даврий ривожланиш натижасида ташқи дипламатик алоқаларнинг шакллари ўзгариб борган. Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048) ўлкада тинчликни таъминлаш, ҳар қандай низо, зиддиятларни ҳал этиш, давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги қўшничилик муносабатларини олиб боришда ўзаро келишув асосида амалга ошириш ғоясини илгари сурган. Бу эса буюк мутафаккирларимизнинг оқилона диломатик ғояларни йўлга қўйишда ўз ҳиссаларини қўшганликларидан далолат беради[7, С. 260]. Юқоридаги ғоялар мамлакатимизнинг бош мақсади бўлган "2017-2021 йилларнинг Ўзбекистон Ҳаракатлар Стратегиси"да ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги барчамизга маълум[8].

Халқаро политологлардан бири З.Бжежинский ўз тадқиқотларида "халқаро сиёсат майдон улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, яъни иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар ҳоҳиш иродаси ва измига боғлиқдир" деган[9]. Аммо, бундай фиклар бугунги кун мамлакатларининг ўзаро алоқаларига ва халқаро муносабатларга мутлақо тўғри келмайди. Сабаби, халқаро сиёсий муносабатлар тараққиёти очиқ ва самимий сиёсий фаолият натижаларига боғлиқдир. Давлатларнинг вужудга келиши, ва давлатлараро алоқаларни шаклланишига ана шу самимийлик ва очиқлик сиёсати сабаб бўлган. Бу эса объектив характерга эга бўлибгина қолмай, ҳеч бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Яъни қандайдир давлатнинг ўзга бир давлат ёки давлатнинг сиёсий бошқарувчиси бўлган шахснинг шахмат фигурасига айланиш ҳозирги кун сиёсий етакчиларининг заиф эканлигидан далолат беради, ҳолос. Бундай заифликда, нафақат давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш балки, давлатни ҳам бошқариб бўлмайди. Шундай экан, давлатнинг ташқи сиёсати бу - давлатлараро алоқаларнинг бошланғич нуқтаси деб ҳисобласак, ана шу нуқта айнан давлатнинг жаҳон мамлакатлари ичида ўрин эгаллашига сабаб бўлади. Чунки, давлатнинг ташқи муносабатлари ўз навбатида давлатни ички муносабатларини ҳар соҳада ривожланиши ёки пароканда бўлишига хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатган. Тошкентда 45 та хорижий давлатларнинг элчилари, 8 та фахрий консуллар, 19 та халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, 18 та ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, 1 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда[10].

Ўз навбатида шуни айтиш керакки, давлатлараро муносабатлар бир бутун комплекс ҳисобланади, бу муносабатларнинг асосида эса сиёсий алоқалар ётади ва у бевосита ички сиёсат муаммоларини ҳал қилишдан келиб чиқади. Негаки ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатининг бош мақсади унинг ички ривожини таъминлашга қаратилгандир. Гарчанд, ички сиёсатнинг ташқи сиёсатга таъсир кўрсатсатиши жаҳонда бўлаётган бир қатор шундай ҳолатлар тариқасида кўришимиз мумкин.

4.Хулосалар:

Ҳулоса қилиб айтганда, давлатлараро муносабатлар ўз навбатида ҳалқаро муносабатлар билан уйғунликда юргани сабаб, биз унга ҳалқаро муносабатларнинг сифатида қараймиз аслида эса, у халқаро муносабатларнинг бир бўлагидир. Халқаро муносабатлар кўпгина мамлакатлар иштирокида амалга оширилса, давлатлараро алоқаларда айнан алоқа ўрнатаётган икки давлат билангина чегараланилади, ҳолос.

Иккинчидан, халқраро муносабатлар ўз навбатида давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқаларни қамраб олар экан, дипломатик алоқаларнинг халқаро муносабатларни ижобий ҳал этиш мақсадида йўлга қўйилганлиги бунга сабаб бўлади, чунки жаҳон майдонида бундай

алоқалар мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими ва ўзаро манфаатларни мувозанатлаштирувчи ҳамкорликни вужудга келтиради. Бугунги кундаги ўзгаришлар айнан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Қиргизбоев М. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг йўналишини белгилаш ва Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатишнинг ижтимоий-сиёсий ва меъёрий-ҳуқуқий асоси. – Тошкент. 2005. – Б. 58. (Qirgizboev M. Socio-political and regulatory framework for determining the direction of foreign policy of Uzbekistan and cooperation with Asian countries. - Tashkent. 2005. - P. 58).
2. Ризаев Ф. Понятие, система и основные принципы международного права // Информационный бюллетень. - Ташкент.; МВЭС РУз, 2001. №2. – С. 112. (Rizaev F. The concept, system and basic principles of international law // Informatsionnyy bulletin. – Tashkent: MVES RUz, 2001. №2. - P. 112).
3. Хидоятов.Г.А. Основы дипломатии. Лекции прочитанные в университете мировой экономики и дипломатии в 1998-1999 годах. – Ташкент. 2002. – С. 3. (Xidoyatov G.A. The basis of diplomacy. Lectures taught at the University of World Economy and Diplomacy in 1998-1999. - Tashkent. 2002. - P. 3).
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1992. - Б.12. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: “Uzbekistan”, 1992. - P.12).
5. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисидаги қонун. - Тошкент. 1996. – Б. 5. (Law on the basic principles of foreign policy of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent. 1996. - P. 5).
6. Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ҳодимлари учун дипломатия даража ва мартабани белгилаш тўғрисидаги қонун. - Тошкент. 1992. - Б. 3. (Law of the Republic of Uzbekistan on the establishment of diplomatic ranks and ranks for diplomatic staff. - Tashkent. 1992. - P. 3).
7. Одилқориев Х.Т., Д.Х.Раззоқов. Сиёсатшунослик. – Тошкент. 2008. – Б. 260. (Odilqoriev X.T., D.X.Razzoqov. Political science. - Tashkent. 2008. - P. 260).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси https://lex.uz/docs/3107036 (Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 №PF-4947 https://lex.uz/docs/3107036)
9. Бжезинский З. Великая шахматная доска: Господство Америки и его геостратегические императивы: [сборник: 16+] // Пер. с англ. О. Ю. Уральская. – Москва. АСТ, 2013. – С. 703. (Bjezinskiy Z. Velikaya shaxmatnaya doska: Gospodstvo Ameriki i ego geostrategicheskie imperativy: [sbornik: 16+] // Per. s angl. O. Yu. Uralskaya. - Moscow. AST, 2013. - P. 703.
10. Международное сотрудничество // Внешняя политика. https://mfa.uz (Mejdunarodnoe sotrudnichestvo // Vneshnyaya politika. https://mfa.uz).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Отабек Аманиллаевич Бахриев,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий тадқиқотлар бўлими
илмий ходими (Самарқанд, Ўзбекистон)
baxriyev77@gmail.com

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ

For citation: Otabek A.Baxrıev, STATUS OF IMAM BUKHARI IN ISLAMIC LEGISLATION. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.15-21

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-3

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Имом Бухорийнинг ислом қонуншунослигида тутган ўрни, у киши фақат ҳадис илмининг пешвоси бўлиб қолмасдан, балки ислом қонуншунослигида фақиҳ ҳам бўлгани ҳақида маълумот берилган. Ислом фиқҳида у киши ҳақида уламоларнинг эътирофлари борасида ҳам сўз юритилган. Мақоланинг сўнгида ислом қонуншунослигида, яъни фиқҳда қонунларни чиқариб олишдаги таянган далиллари ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: Фақиҳ, Қуръон, суннат, ижмоъ, қиёс, Имом Бухорий, Саҳиҳул Бухорий, пешво, бобо, сарлавҳа, далил, мерос, сукут.

Отабек Аманиллаевич Бахриев,
Научный соискатель, Международный
научно-исследовательского центр
Имама Бухари (Самарканд, Узбекистан)
baxriyev77@gmail.com

СТАТУС ИМАМА БУХАРИ В ИСЛАМИСКОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается роль имама Бухари в исламской юриспруденции, а также тот факт, что он был не только лидером в науке хадисов, но и правоведом в исламской юриспруденции. Исламская юриспруденция также упоминает признания ученых о нем. В конце статьи приводится информация о доказательствах, на которых основан исламский закон, то есть фикх.

Ключевые слова: Факих, Коран, Сунна, Иджма, Кийас, Имам Бухари, Сахих Бухари, Пешва, Баба, Титул, Доказательства, Наследование, Молчание

Otabek A.Baxrıev
Scientific researcher, Imam Bukhari
international scientific-research
center (Samarkand, Uzbekistan)
baxriyev77@gmail.com

STATUS OF IMAM BUKHARI IN ISLAMIC LEGISLATION

ABSTRACT

This article provides information about the role of Imam Bukhari in Islamic jurisprudence, who was not only the leader of the science of hadith, but also a fuqih. Islamic jurisprudence also mentions the confessions of scholars about him. At the end of the article, information is provided on the evidence based on Islamic jurisprudence.

Index terms: Fakih, Koran, Sunnah, Ijma, Qiyas, Imam Bukhari, Sahih Bukhari, Peshwa, Baba, Title, Evidence, Inheritance, Silence.

1.Долзарблиги:

Ҳозирги кунгача бутун дунё мусулмонлари Имом Бухорийни ҳеч иккиланмасдан ҳадис илмининг пешвоси, қолаверса ҳадис илмида мўминларнинг амири ва устозларнинг устози бўлганлигини эътироф етиб келмоқда. У кишининг ҳадис илмида пешволигига ҳадис илми борасида кенг қамровли ёзган китоблари далил-исбот бўлади. Бироқ, Имом Бухорийнинг ҳадис илмидаги даражаси юксак ва пешво бўлгани сабабли фиқҳдаги пешволигининг баъзи тарафлари билинмай қолган. Зеро, ҳалқ орасида Имом Бухорийнинг фиқҳдаги пешволигига жуда кам эътибор берилади. Улар орасида, у кишини фақат ҳадис тўплаган, фиқҳ борасида ижтиҳод қилмаган, деб даъво қилувчилар ҳам топилади. Бу мақоланинг аҳамиятли тарафи шундаки, Имом Бухорий ҳадис тўплаш билан биргаликда фиқҳда ҳам ижтиҳод қилганини ёритиб беради.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Имом Бухорийнинг фақатгина муҳаддис бўлиб қолмасдан, балки буюк фақиҳ бўлгани, бу фақиҳлиги “Саҳиҳул Бухорий” асарининг тарожумларида намоён бўлиши, ижтиҳод йўлида улуғ мужтаҳидлар каби ислом шариатида қабул қилинган далилларга суянгани ҳамда у кишининг фақиҳлигига исбот тариқасида уламоларнинг айтган мақтовлари келтирилган. “Саҳиҳул Бухорий”да имом Бухорий фиқҳий мақсадни кўзлаб ишлатган боб сарлавҳалари мавзуи устида уламолар жиддий тадқиқотлар амалга оширишган. Натижада “Саҳиҳул Бухорий”даги бобларнинг сарлавҳалари ҳақида 16 та асар ёзилган бўлиб, шулардан иккитаси босма ва учтаси қўлёзма шаклида бизгача етиб келган. Бунга мисол тариқасида қуйидидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

1. Бу борада биринчи бўлиб Абул Аббос Аҳмад ибн Раўиқ ал-Андалусий (ваф. ҳ.442, 1050 м.) “Китоб ъала тарожими китобис Саҳиҳ лил-Бухарий ва маъоний мо ушкила минҳу” номли асар ёзган.
2. Низор ибн Абдулкарим Ҳамодонийнинг “Имам Бухарий фақиҳул муҳаддисин ва муҳаддисул фуқоҳо” деган китоби. Бу китоб уч фаслдан иборат бўлиб, биринчиси Имам Бухорийнинг ҳаёти, иккинчиси “Саҳиҳул Бухорий” китоби, учинчиси Имом Бухорийнинг фиқҳидир.
3. Холид ибн Марҳуб ибн Муҳаммад Амин ал-Ҳиндийнинг “Тарожиму саҳиҳил Бухарий” деган китоби.
4. Сатр ибн Савоб ал-Жаъиднинг “Фиқҳул имам ал-Бухарий фил буюъи вассалми мин жамиъиҳис саҳиҳи” деган китоби ва ҳакозо.

Имом Бухорийнинг фақиҳлиги борасида хорижлик уламолар тамонидан жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва бу тадқиқотлар асосида бир қанча китоблар, рисолалар ва

илмий ишлар ёзилган. Ачинарли холат шуки, имом Бухорийнинг ватани бўлмиш Мовароуннаҳрда имом Бухорийнинг фақиҳлиги борасида жуда кам тадқиқот ишлари қилинган. Илгарилари турли сабаблар , жумладан, араб тилини билмаслик тўсиқ бўлган эди. Энди эса бу тўсиқлар олиб ташланиб, Аллоҳ хоҳласа, илм аҳллари имом Бухорийнинг ўрганилмаган қирраларини забт етиб, халқимизга етказадилар.

3. Асосий қисм:

Имом Бухорий ўзига хос ижтиҳоди билан фиқҳ илмининг ҳам пешвосидир. Аммо уламолар наздида Имом Бухорийнинг фиқҳ илмидаги ўрни ҳадис илмидаги ўрнидек, очиқ равшан намоён бўлмаган. Бунга сабаб, фиқҳдаги ижтиҳодларининг барчаси махфий ижтиҳодлардан ҳисобланади. Шу сабабли фиқҳ борасидаги пешволиги фақатгина иккита иш билан чегараланиб қолди. Биринчиси, уламолар Имом Бухорийннинг ҳаққига мақтовлар айтиб, "Фақиҳ" деб сифатланганлари бўлса, иккинчиси, Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобнинг сарлавҳалари фиқҳда пешво бўлганига кўрсатма беришидир.

Демак, уламоларнинг Имом Бухорийни олқишлаб, "Фақиҳларнинг саййиди", деб сифатлашлари у кишининг ҳадис илмидан ташқари фиқҳ илмида ҳам пешво бўлганига далил бўлади.

Имом Бухорийнинг котиби Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ айтади: Ҳошад ибн Исмоилнинг шундай деганини эшитдим: Мен Басра шаҳрида бўлганимда Муҳаммад ибн Исмоилнинг бу шаҳарга келаётганини эшитиб қолиб, уни кутиб олиш учун чиқдим. У киши келган вақтда Муҳаммад ибн Ёсар уни: "Бугун бу шаҳарга фақиҳларнинг саййиди кириб келди", деб олқишлаб кутиб олди [3.2/6].

Аҳмад ибн Ёсар айтади: "Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира Жуъфий илм толиби, одамларнинг сухбатдоши ва ҳадис йўлида сафар қилиб, унда моҳир эди. Ҳадисдаги билми ва ёдлаш қобилияти ўта кучли бўлиб, шу билан бирга фиқҳ илмини ҳам ўрганар эди"[3.2/6].

Қолаверса, Имом Бухорийни фиқҳ илмида Имом Аҳмад раҳимаҳумуллоҳдан афзал кўрган кишилар ҳам топилади. Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр Мадиний бир даврада: "Муҳаммад ибн Исмоил бизнинг наздимизда Имом Аҳмаддан кўра фақиҳроқ эди", деди. Шу пайтда унга шу ерда ўтирганлардан бири эътироз билдириб: Чегарадан ошириб юбординг, деди. Абу Мусъаб унга жавоб тариқасида айтди: Агар Имом Моликни ҳаётлик чоғида топиб, унинг юзига назар қилиб, кейин Муҳаммад ибн Исмоилнинг юзига қараганингда эди, албатта: Иккаласи фиқҳ ва ҳадис илмида баробар экан, деб айтар эдинг" [3.2/19].

Яъқуб ибн Иброҳим Давроқий айтади: "Муҳаммад ибн Исмоил бу умматнинг фақиҳидир" [3.2/22].

Шунга ўхшаш гапни Наим ибн Ҳаммод ҳам Имом Бухорийни сифатлаб айтган [3.2/24].

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ шундай деган: "Эй ёшлар жамоаси! Бу ёш йигитга эътибор беринглар ва ундан ҳадис ёзиб олинглар. Мадомики, у агар Ҳасан ибн Абу Ҳасан (Ҳасан Басрий) замонларида бўлганида эди, одамларнинг ҳадис ва фиқҳ илмини ўрганишда албатта унга эҳтиёжи тушар эди" [3.2/27].

Шунга ўхшаш Имом Бухорийнинг фиқҳдаги мавқеи ҳақида гапириб ўтган баъзи уламолар мана шундай сифатлар билан у кишининг ҳаққига кўпгина мақтовлар битганлар. Ўз ўрнида бу мақтовлар худди уламолар тарафидан Имом Бухорийнинг фиқҳда пешқадам эканлигига ижмоъ қилганга ўхшайди. Зеро, биз бу ўринда юқорида айтилган фиқҳ борасида у кишининг ҳаққига айтилган очиқ ва маъноли мақтовларни келтиришни ихтиёр қилдик. Қолаверса у кишини "Фақиҳларнинг саййиди", деб сифатлаб, ҳатто, у кишини Имом Аҳмаддан афзал қилиб, Имом Моликга тенгладик. Буларнинг барчаси ҳеч шак шубҳасиз Имом Бухорийнинг фиқҳда пешқадам бўлганига далолатдир.

Имом Нававий "Саҳиҳул Бухорий"га ёзган шарҳининг чўзилиб кетганидан узрланиб, шундай деган: "Агар одамларнинг ғайрати ва интилиши заифлашмаганда ва кенг ҳадис китобларга қизиқишлари камаймаганда эди, албатта, "Саҳиҳул Бухорий"га ёзган шарҳимни такрор келган ҳадисларни киритмасдан 100 мужалладга етказган бўлар эдим. Чунки бу китоб

фойдаси кўп ва ислом қонуншунослигидаги махфий ва кўриниб турувчи услубларни ўз ичига қамраб олган китобдир” [4.18].

Имом Бухорий фиқҳ борасида пешволигига сабаб бўлган омил, яъни, Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобларнинг сарлавҳалари у кишининг фиқҳда пешво бўлганига кўрсатма бериши борасида Ҳофиз ибн Ҳажар шундай деган: “Имом Бухорий ўзи ёзган “Саҳиҳул Бухорий” китоби фиқҳий фойдалар ва чуқур маъноли гаплардан холи бўлмаслигини билгач, ўзининг ақли фаросати билан ҳадис матнларидан кўпгина фойдаларни чиқариб олиб, уларни муносиб бўлишига қараб китобнинг бобларида сарлавҳа ўрнида келтирди. Яна у ерда ҳукм оятларига эътибор бериб, улардан фиқҳ борасида асосли далилларни чиқариб олди ва уларни тафсир қилишга ишора қилиб, кенг йўлни очиб берди” [6.10].

Яна, уламоларнинг ижмоси шуни кўрсатадики, Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларни ажратиб, танлагандан кейинги мақсади ҳадис матнларидан кўпгина маъноларни чиқариб олиш бўлган. Айнан мана шу йўл у кишининг фиқҳи ҳисобланади [7.1/19].

Имом Бухорийнинг фиқҳда пешқадам бўлганига далолат қиладиган сабаблардан яна бири, “Саҳиҳул Бухорий”ни шарҳлаган уламоларнинг шариат илмларида маълум ўз ўрни бўлганига қарамай, у кишининг мақсадини баён қилишда улар тарафдан ҳар хил қарашлар билдирилганидир. Кимки “Саҳиҳул Бухорий”да боблар учун тузилган мавзулардаги Имом Бухорийнинг мақсадини ёритиб беришдаги шарҳловчиларининг сўзларини ва ўша мавзунинг остига киритилган далилларни ўқиса, Имом Бухорийнинг фиқҳ борасида пешқадамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Имом Бухорий ҳадис китоб ёзиш билан бирга шариат қонунларини чиқариб олишда ушбу далилларга суянган:

1. Қуръони карим. Имом Бухорий тузган бобларнинг сарлавҳаларида Аллоҳ таоло каломидан кўпгина оятларни далил қилиб, ўша оятлардан ажойиб далилларни чиқариб олган. Бунга мисол, Имом Бухорий “Савдо китоби”да **“Унда яна (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасиз. Унинг фазли (ризқи)дан талаб этишингиз ва (неъматларига) шукр қилишингиз учун (шундай қилди)”** [16.14], деган оятни Матор раҳматуллоҳи алайҳдан келган ривоятга кўра, денгиздаги кемага тижорат қилиш учун минишнинг жоизлигига далил қилади. Бу билан Имом Бухорий худди Абу Довуд ўзининг сунанида “Жиҳод китоби”да Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан: “Денгиздаги кемага фақат ҳаж ё умра ёки Аллоҳ йўлида душманга қарши уруш учун чиқилади” [5.5/145], деб ривоят қилган ҳадисига раддия бергандек. Чунки, Абу Довуд ўзи бу ҳадисга изоҳ бериб шундай деган: “Бу ҳадис жуда заифдир. Уни ривоят қилган Абу Абдуллоҳ ва Башир ноаниқ ровийлардир” [7.145].

2. Суннат. Имом Бухорийнинг суннатдан далил олишда пухта билимга эга эканлиги ҳамда у кишида саҳиҳ ҳадислар тўғрисида жуда кўп маълумотлар бўлгани маълумдир. Ҳатто у киши кўпгина масалаларни шартига тўғри келмайдиган ҳадисни сабаб қилиш билан сарлавҳа тузиш орқали чиқариб олади ва ўша сарлавҳа остида шартига мос келадиган ҳадисларни келтиради.

3. Ижмоъ. Уламолар ижмоъси ҳам Имом Бухорий наздида далил сифатида қабул қилинган. Шу сабабли у кишининг фикрига кўра, агар уламолар ижмоъси қозининг чиқарган ҳукмига қарши чиқса, унда қозининг ҳукми бекор бўлади. Имом Бухорий мана шу сўзини қувватлаш учун “Ҳукмлар китоби”да “Ҳоким шавқатсизлик қилишни ёки илм аҳлига хилоф иш тутишликни буюрса, рад қилинади”, деб сарлавҳа тузган [2.551]. Бу бобда Солим отасидан ривоят қилган ҳадисни келтирган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валидни аскарларга бошлиқ қилиб Бани Жузайма қабиласига юбордилар. Улар: “Исломни қабул қилдик!”, дейиш ўрнига, билмай: “Диндан қайтдик!”, деб юборишди (яъни, “Аввалги динимиздан қайтиб исломга кирдик!”, деб айтмоқчи эдилар). Шунда Холид Ибн Валид уларга қарши аскарларни жангга ташлади, натижада кўпчилиги ўлдирилиб, қолганлари асир олинди. Кейин, ҳар биримизга ўзимиз қўлга туширган асиримизни ўлдиришни амр қилди. Мен ўлдиришдан бош тортдим, шерикларим ҳам шундай қилишди. Қайтиб боргач, бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтган эдик, у зот: **“Эй Парвардигоро, Холид ибн Валиднинг қилмишида қўлим йўқдир!”,** дедилар, яъни, Холид ибн Валиднинг

суриштирмай-нетмай уларни ўлдирганини назарда тутдилар. Имом Бухорий бу бобда Холид ибн Валид бошлиқ бўлишига қарамай саҳобалар у кишининг чиқарган ҳукмига ўз ижмоълари билан қарши чиққанларини эътиборга олган.

"Китоб ва суннатни маҳкам ушлаш китоби"да, "Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг илм аҳлининг иттифоқи ҳақида сўз юритганлари ва ундаганлари; Икки ҳарам – Макка ва Мадина (уламролари) ижмо қилган нарсалар ҳақидаги боб", деб сарлавҳа тузиб, бу бобда ибн Аббос (р.а)дан ривоят қилинган ҳадисни келтирди [8.8/507].

Бундан ташқари, Имом Бухорий сукутий (жим туриш) ижмоъ билан ака-укалар учун бўлган меросдаги ҳақдан бобонинг ман қилинишига қарши Абу Бакр (р.а.)нинг сўзини ҳужжат қилиб келтириб, бобонинг мерос олишини жоиз қилди ва бу ҳақда "(Маййитнинг) отаси ва ака-укалари билан бирга бобосининг ҳам мерос олиши ҳақида" [1.1669], деб боб тузган. Бу бобда биринчи саҳобаларнинг сўзини келтирди, яъни, "Абу Бакр, Ибн Аббос ва Ибн Зубайр розияллоҳу анҳумлар айтди: "Бобо ота (ўрнида)дир", (сўнгра) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо "**Эй Одам болалари**" [7.26], "**Оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллатига эргашдим**" [12.38] оятларини қироат қиларди. (Бу масалада) Абу Бакрга ўз замонасида бирор кишининг қарши чиққани зикр қилинмаган, ҳолбуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари жуда кўп эди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: "Мендан (кейин) ака-укаларим қолиб, ўғлимнинг ўғли мерос олади-ю, мен ўғлимнинг ўғлидан мерос олмайманми?" деган. Бу борада Умар, Алий, Ибн Масъуд Зайд розияллоҳу анҳумдан бошқа қавллар ҳам ривоят қилинган" [1.1670].

Изоҳ: Агар маййитнинг отаси ўлиб кетган бўлса, бобоси, яъни отасининг отаси ота ўрнида мерос олади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бунга далил сифатида мазкур оятларни эсга олган. Зеро, Қуръони каримда инсониятга "Одам болалари" дейилгани, яъни Одам алайҳиссалом бутун инсониятнинг отаси деб қаралиши, шунингдек, Юсуф алайҳиссалом ўз боболарини ҳам "оталарим" деб айтгани бобонинг ота ўрнида кўрилишини тақоза этади.

Имом Бухорий Ибн Аббос (р.а)дан бобонинг мерос олишига бошқа бир қиёсий далил келтирмоқда: набира отаси бўлмаганда бободан мерос оладими, демак, бобо ҳам ўртада ўз фарзанди бўлмаганда набирадан мерос олади. Бобонинг мерос олиши ҳақида ижмоъ собит бўлса-да, қанча миқдорда олиши ҳақида турлича фикрлар бор [8.8/153].

Демак, Абу Бакр (р.а.) бобони отага тенглаштириб, бобони ота деб ҳукм чиқардилар, аммо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кўп бўла туриб, ўша вақтда бирорта саҳоба у кишига қарши чиқмади [2.485]. Яъни, Абу Бакр (р.а)нинг сўзига ҳеч бир саҳоба қарши чиқмасдан сукут қилдилар. Уларнинг сукут қилиши шу ҳукмга рози эканлигини билдиради. Имом Бухорий бу масалада саҳобаларнинг мана шу ижмосини далил қилиб олган.

4. Қиёс. Имом Бухорий қиёсни далил ўрнида қабул қилган. Аммо баъзи аҳли илмлар каби қиёсни кенг йўл қилиб олмаган. Балки, "Китоб ва суннатни маҳкам ушлаш" китобида, "Раъй (ўз билганича фикр юритмоқ) ва қиёсда такаллуф қилиш жумласидан бўлган ишларни қоралаб айтилган нарсалар ҳақидаги боб" [8.8/496], ва яна, "Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эркагу аёл умматларига раъй ва қиёс (ўхшатиш) билан эмас, Аллоҳ У Зотга ўргатган нарсадан ўргатганлари ҳақидаги боб" [8.8/499] деб сарлавҳа тузди. Биринчи бобда Урва Абдуллоҳ ибн Амрдан: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **"Аллоҳ илмни уларга (одамларга) бергандан кейин уни бирдан суғуриб олмайди, балки ораларидан уламоларни илмлари билан қабз қилиб, уни суғуриб олади. Шунда жоҳил одамлар қолади. Улардан фатво сўралади, улар ўз раъйлари билан фатво бераверишади. Натижада адаштиришади ва адашишади"**, деб айтганларини келтирган. Имом Бухорий бу бобни Қуръон ва ҳадис илмига таянмасдан ўз фикри билан фатво чиқаришни қоралаш мақсадида тузган. Иккинчи бобда эса, Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни келтирган, яъни: "Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, "Эй Аллоҳнинг Расули! Эркаклар ҳадисингиз(ни ўрганиш)да илгарилаб кетишди. Бизга ҳам бир кунни таъйин қилсангиз, шу кунларда ҳузурингизга келсак, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан бизга ҳам ўргатсангиз", деди. Шунда **"Фалон-фалон кунлари фалон-**

фалон жойга тўпланинглар”, дедилар. Улар тўпланишди. У зот келиб, Аллоҳ ўзларига ўргатган нарсалардан уларга ўргатдилар...” [1.1806]. Имом Бухорий бу бобни тузиш билан худди юқоридаги бобни таъкидлагандек, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматини ўз раъйлари билан фатво беришдан қайтаришларидан ташқари, у зот ҳам эркагу аёл умматларига раъй ва қиёс билан эмас, балки Аллоҳ у зотга ўргатган нарсадан таълим берганларини айтиб ўтаяпти.

Имом Бухорий қиёс бобида учинчи сарлавҳани тузиб, уни “Сўровчига тушунтириш мақсадида Аллоҳ ҳукмларини баён қилиб қўйган маълум аслни баён қилинган аслга ўхшатиш ҳақидаги боб” [1.1807], деб номлади. Бу билан қиёсга ижобий фикр билдириб, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни келтирган: “Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, “Аёлим қоп-қора бола туғди. Мен эса уни тан олмадим”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **“Сенинг туяларинг борми?”** дедилар. У “Ҳа” деди. **“Ранглари қанақа?”** дедилар. “Қизил” деди. **“Ораларида кулранги ҳам борми?”** дедилар. “Ҳа, кулранги ҳам бор”, деди. **“Бу уларга қаердан келган деб ўйлайсан?”** дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, наслига торгандир-да”, деди. Шунда у зот: **“Эҳтимол, бу ҳам наслига тортгандир”**, дедилар ва ундан тонишга унга рухсат бермадилар” [8.8/502]. Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўровчига қиёс билан жавоб бераяпти. Имом Бухорий юқоридаги сарлавҳани шунга асосан тузган.

Имом Бухорий қиёсга таъаллуқли тўртинчи сарлавҳани ҳам шу китобда тузиб, у бобни “Далиллар билан билинадиган ҳукмлар ҳақида. Далолатнинг маъноси ва унинг изоҳи қандай бўлади?” [1.1815], деб номлади. Ушбу бобда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам от ва ундан бошқа нарсаларнинг закотини бериш ҳукмини айтиб бердилар. Кейин эшак(дан закот бериш-бермаслик) ҳақида сўрашган эди, уларга Аллоҳ таолонинг **“Бас, ким зарра оғирлигича яхшилик қилса ҳам, уни кўради”** [9. 99/07], деган сўзини эслатдилар” [8.8/521], деган хабарни келтирган. Яъни, от ҳақидаги гапларни эшитган одамлар энди эшак боқиш ва ундан закот бериш-бермаслик ҳақида сўрашган. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умумий маънодаги оятни келтириб, яхшилик учун боққан одам савоб олишини тушунтирганлар. Яъни, бу ҳадисдаги далил билан билинадиган ҳукм шуки, юқоридаги оятга биноан эшак боқишда ундан закот берилмасада, аммо яхшилик учун боққани учун савоб олиши маълум бўлади.

Натижада, бу сарлавҳаларнинг баъзиси баъзиси билан жам қилинганда, аввалги тузилган икки бобда раъй ва қиёснинг салбий тарафи олинган бўлса, кейинги икки бобда эса уларга ижобий қаралган, деган тушунча хосил бўлади. Бундан маълум бўладики, Имом Бухорий оз ўринда бўлса ҳам қиёсни далил сифатида олган ва қиёс у кишининг наздида далил ўрнида олинган, аммо кенг қўлламаган [7.1/19].

4.Хулосалар:

Мавзуга хулоса тарзида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

- Уламоларнинг ижмоси шуни кўрсатадики, Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларни ажратиб, танлагандан кейинги мақсади ҳадис матнларидан кўпгина маъноларни чиқариб олиш бўлган. Айнан мана шу йўл у кишининг фиқҳи ҳисобланади;
- Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобларнинг сарлавҳалари у кишининг фиқҳда пешво бўлганига кўрсатма бериши борасида Ҳофиз ибн Ҳажар шундай деган: “Имом Бухорий ўзи ёзган “Саҳиҳул Бухорий” китоби фиқҳий фойдалар ва чуқур маъноли гаплардан холи бўлмаслигини билгач, ўзининг ақли фаросати билан ҳадис матнларидан кўпгина фойдаларни чиқариб олиб, уларни муносиб бўлишига қараб китобнинг бобларида сарлавҳа ўрнида келтирди. Яна у ерда ҳукм оятларига эътибор бериб, улардан фиқҳ борасида асосли далилларни чиқариб олди ва уларни тафсир қилишга ишора қилиб, кенг йўлни очиб берди” [6.10];
- Имом Бухорийнинг фиқҳда пешқадам бўлишидаги омиллардан яна бири, “Саҳиҳул Бухорий”ни шарҳлаган уламоларнинг шариат илмларида маълум ўз ўрни бўлишига қарамай, Имом Бухорийнинг мақсадини баён қилишда улар тарафдан ҳар хил қарашлар билдирилганидир. Кимки “Саҳиҳул Бухорий”да боблар учун тузилган мавзулардаги

Имом Бухорийнинг мақсадини ёритиб беришдаги шарҳловчиларининг сўзларини ва ўша мавзунинг остига киритилган далилларни ўқиса, Имом Бухорийнинг фиқҳ борасида пешқадамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ҳозирги кунда ҳам аҳли илмлилар тарафидан буюк аждодларимиз қолдирган бой мероси, жумладан, бобомиз имом Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳар тарафлама тадқиқ қилинмоқда. Келажакда ҳам бу борада янада кўпроқ ишларни амалга ошириш ва уларни ҳалқимизга етказиш биз тадқиқотчиларнинг вазифаси бўлиб қолаверади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Байрут: Дару Ибн Касир, 2002. 1670, 1806, 1807,1815 б. (Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail Bukhari. Sahihul Bukhari. - Beirut: Daru Ibn Kasir, 2002. 1670, 1806, 1807,1815 b.)
2. Абдулазиз Мансур. Саҳиҳи Бухорий. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. 551, 485 б.(Abdulaziz Mansur. Sahih Bukhari. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House, 2008. 551, 485 p.)
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хотиб Бағдодий. Тарих Бағдод мадинатус салам. – Байрут: Дарул фикр, 2004. 2-жилд, 6, 19, 22, 24, 27 б.(Abu Bakr Ahmad ibn Ali Khatib Baghdadi. History Baghdad madinatus salam. - Beirut: Darul Fikr, 2004. Volume 2, 6, 19, 22, 24, 27 p.)
4. Имом Нававий. Мо тамассу илайҳи ҳажатул Қори ли-Саҳҳиҳил Имамил Бухорииййи. – Байрут: Дарул кутубул илмийя , 2018. 18 б. (Imam Nawawi. Mo tamassu ilayhi hajatul Qori li-Sahhihil Imamil Bukhari. - Beirut: Darul kutubul ilmiyya, 2018. 18 p.)
5. Имом Абу Довуд Сижистоний. Сунану Аби Довуд. – Байрут: Дарул кутубил илмийя, 1996. 5-жилд, 145 б. (Imam Abu Dawud Sijistani. Sunanu Abi David. - Beirut: Darul Kutubil Ilmiyya, 1996. Volume 5, 145 p.)
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадюс сорий. – Байрут: Дарул маърифати, 2014. 10 б. (Ibn Hajar Asqalani. Hadyus soriy. - Beirut: Darul Ma'rifati, 2014. 10 p.)
7. Муҳаммад Закариё ибн Яҳё Кандеҳлавий. Ал-абвабу ват тарожиму ли-Саҳиҳил Бухорииййи. – Байрут: Дарул башаирул исламийяти, 2012. 1-жилд, 19, 145 б. (Muhammad Zakariya ibn Yahya Kandehlavi. Al-abwabu wat tarojimu li-Sahihil Bukhari. - Beirut: Darul Bashairul Islamiyati, 2012. Volume 1, 19, 145 p.)
8. Олтин силсила: 8-жуз : Саҳиҳул Бухорий – Тошкент: Hilol-Nashr, 2018. 8-жилд, 153, 496, 499, 502, 507, 521 б. (Golden Series: Volume 8: Sahihul Bukhari - Tashkent: Hilal-Nashr, 2018. Volume 8, 153, 496, 499, 502, 507, 521 p.)
9. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 99-сура 07-оят, 16 сура 14-оят, 7-сура 26-оят, 12-сура 38- оят. (Abdulaziz Mansur. Translation and interpretation of the meanings of the Qur'an. – Tashkent: Tashkent Islamic University Publishing and Printing Association, 2004. Sura 99, verse 07, Sura 16, verse 14, Sura 7, verse 26, Sura 12, verse 38.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Жонибек Бўтаев,
Ўзбекистон Миллий университети
Манбашунослик ва архившунослик
кафедраси таянч докторанти,
:mr.butayev@mail.ru

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ

For citation: Jonibek Butaev, THE ACTIVITY OF SAMARKAND REGIONAL STATISTICAL COMMITTEE IN SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.22-29

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-4

АННОТАЦИЯ

Мақола Самарқанд вилояти статистика қўмитасининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги фаолияти таҳлилига бағишланган. Туркистон ўлкаси ва барча вилоятларида 19 аср иккинчи ярмида ташкил этилган статистика қўмиталари ва бошқармалари ўлканинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тадқиқ этиш, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар тузиш, шунингдек империянинг мустамлакачилик сиёстатини мустаҳкамлашда катта ўрин тутган. Мақолада Самарқанд вилоятига статистика қўмитаси ва бошқармасига оид маълумотлар таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: статистика, статистик тўплам, округ, уезд, волост, губернаторлик, қўмита, бошқарма, Низом, кутубхона, девонхона.

Жонибек Бутаев,
базовый докторант кафедры
Источниковедение и архивное дело,
Национальный университет Узбекистана
:mr.butayev@mail.ru

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САМАРКАНДСКОГО ОБЛАСТНОГО СТАТИСТИЧЕСКИЙ КОМИТЕТА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX – НАЧАЛО XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу деятельности Самаркандского областного статистического комитета во второй половине XIX - начале XX веков. Статистические комитеты и ведомства, созданные во второй половине XIX века в Туркестане и всех его провинциях, изучают социально-экономическую, политическую и культурную жизнь страны, составляют

статистические отчеты и сборники, а также закрепляют колониальную политику империи. В статье анализируются данные Статкомитета и Управления Самаркандской области.

Ключевые слова: статистика, статистический сборник, район, уезд, волость, губернаторство, комитет, правление, система, библиотека, канцелярия.

Jonibek Butaev,
basic doctoral student of the department
Source studies and archival studies,
National University of Uzbekistan
e-mail: mr.butayev@mail.ru

THE ACTIVITY OF SAMARKAND REGIONAL STATISTICAL COMMITTEE IN SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY

ABSTRACT

The article is devoted to the analysis of the activities of the Samarkand Regional Statistics Committee in the second half of the XIX - early XX centuries. Statistical committees and departments established in the second half of the 19th century in the province of Turkestan and all regions to study the socio-economic, political and cultural life of the country, compile statistical reports and collections, as well as consolidate the colonial policy of the empire. The article analyzes the data of the Statistics Committee and the Department of Samarkand region.

Index Terms: statistics, statistical collection, district, county, volost, governorship, committee, board, system, library, chancellery.

---

1. Долзарблиги:

Маълумки, Россия империяси томонидан хонликлар ҳудуди босиб олингач, империя ўз бошқарувини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор давлат органларини ташкил этишга киришди. Мазкур органлар империянинг мустамлакачилик сиёсатини ҳар томонлама кенгайтириб, ҳудудимиздан ички бозор ва хом-ашё манбаи сифатида фойдаланишда катта ўрин тутди. Империя ҳукумати томонидан Туркистон генерал-губернаторлигида турли соҳалар бўйича давлат органлари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хўжалик ва маданий ҳаётига оид маълумотларни ўрганиш ҳамда статистик жиҳатдан тадқиқ билан шуғулланувчи алоҳида давлат органи ташкил этиш зарурати туғилди.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Туркистон ўлкаси бўйича статистика қўмиталари ташкил этиш зарурияти туфайли вилоят губернаторлари таклифи асосида 1875 йилдан бошлаб ўлка вилоятларида статистика бўлимлари тузилди. Туркистон Статистика қўмитаси Зарафшон бўлимининг биринчи йиғилиши 1875 йил 7 августда бўлиб ўтиб, ёпиқ овоз бериш йўли билан Қўмита раиси ва котиби сайланган ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб олинган. [1]

Туркистон статистика қўмитаси, вилоят ёки маҳаллий қўмиталар аъзоларининг статистик ишлари фақат битта статистик рақамлар ва маълумотлар тўплами ёки аллақачон мавжуд бўлган статистик рақамлардан олинган хулосалар билан чегараланиб қолмаслиги кераклиги белгилаб олинди. Қўмитанинг статистика ишлари кенг маънода қуйидагиларни қамраб олиши керак эди: ҳудуднинг географияси ва этнографияси ёки халқларнинг ўтмишдаги ҳаётини ўрганиш; ҳудуднинг тарихий ёдгорликларини тавсифлаш ва ўрганиш; ҳам маиший, ҳам адабий, қишлоқ хўжалиги касблари ва ҳунарлари ҳақидаги маълумотлар; одамларнинг савдо фаолияти; иқлимшунослик ва метеорология бўйича тадқиқотлар ва бошқалар. Туркистон вилоятидаги статистик тадқиқотларнинг батафсил умумий дастури Туркистон статистика қўмитасида нашр этилган.

Статистика қўмитасининг Зарафшон бўлими фаолиятининг умумий дастуридан шуни кўриш мумкинки, қўмита асарлари ва тадқиқотлари асосан Самарқанд бўлими томонидан

амалга оширилган. Каттақўрғон бўлими эса асосан этнографик ва топографик жиҳатдан энг қизиқарли маълумотларни акс эттирган тўпламлар билан шуғулланган.

1885 йилда Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари якунлангач, империянинг ўлкадаги бошқарув сиёсати қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди. Зарафшон округи номи маркази Самарканд шаҳри бўлган Самарқанд вилояти деб ўзгартирилди. Шу туфайли Зарафшон округи статистика бўлимининг фаолият йўналиши, хизмат вазифалари ва таркибий тузилиши такомиллаштириб чиқилиб, Самарқанд вилояти статистика қўмитаси деб аталадиган бўлди.

Самарқанд вилояти статистика қўмитаси фаолияти 1886 йилги "Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Низом" [2] асосида фаолиятини бошлаган ва вазифалари белгилаб берилган. Унгача юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вилоят Зарафшон округи деб номланган 1868-1886 йилларда 1875 йилдан бошлаб вилоятда статистик ишлар ва тадқиқотларни Зарафшон округи статистика бўлими олиб борган.

1886 йилги Низомда Туркистон ўлкаси таркибидаги вилоятларида статистика қўмиталари тузилиши белгилаб берилган. Мазкур Низомдан келиб чиққан ҳолда, 1887 йил 29 августда Туркистон генерал-губернаторининг 98-сонли буйруғи қабул қилинган [3]. 1886 йилги Низомнинг 55-моддаси, вилоят маъмуриятлари тўғрисидаги низом ҳамда Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳарбий губернаторларининг хулосалари бўйича 1887 йилнинг 1 октябридан бошлаб вилоятларда Статистика қўмиталари фаолияти йўлга қўйилди.

Туркистон генерал-губернаторининг юқоридаги 98-сонли буйруғи [4], Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилояти губернаторларинг хулосалари ҳамда вилоят статистика қўмиталари тўғрисидаги низомга (Умумий вилоятлар органлари тўғрисидаги низомнинг 521-моддаси) кўра 1887 йил 1 октябрдан вилоятлар статистика қўмиталари қуйидаги таркибда бўлиши қайд қилинди: Сирдарё вилояти Статистика қўмитаси: Раис – вилоят ҳарбий губернатори, доимий аъзолар: вилоят ҳарбий губернатор ёрдамчиси, вилоят шифокори, Туркистон Ғазначилик палатаси бошлиғи, тоғ-кончилик ва йўл ҳаракати бўлимларининг асосий раҳбарлари, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошлиқлари; Фарғона ва Самарқанд вилояти қўмиталари эса: Раис – ҳарбий губернатор, доимий аъзолар: ҳарбий губернатор ёрдамчиси, вилоят шифокори ва халқ таълими бошлиғи.

Қўмиталарнинг котибларини тайинлаш, қўмиталарни сақлаш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши, қўмиталар фаолияти ва бошқаруви 1886 йилги Низом асосида бўлиши генерал-губернатор томонидан белгилаб қўйилди [5].

Қўмита аъзолари орасидан ҳар 3 йилда бир марта сайланадиган котиб ва раиснинг ёрдамчиси Қўмита ишларининг ривожланиши ва муваффақиятли бажарилишини диққат билан кузатиб борган ҳамда вилоят губернаторига барча статистик ишларни бажаришда ёрдам берган.

Самарқанд вилояти статистика қўмитасининг доимий аъзолари тўлиқ таркиби қуйидагилардир: Вилоят амалдорлари етакчиси, вилоят губернатори ўринбосари, вилоятдаги ҳокимиятнинг алоҳида бўлимлари, яъни молия, давлат мулки, хусусий ва тиббий фуқаролик бўлими раҳбарлари; вилоят халқ таълими раҳбари; университет статистика профессори; Православ черковининг вакили; бошқа дин вакиллари; темир йўллар бошқармаси аъзоси; вилоят губернатори томонидан тайинланадиган кон бошқармасининг раҳбари.

Тўлиқ ва фахрий аъзолар қўмита умумий йиғилишида сайланган. Қўмита котибини эса вилоят губернатори тайинлаган ва тасдиқлаган.

Қўмитани сақлаш маблағлари қуйидагилар бўлган: 1) вилоят земство тўловларидан тушган тушумлар, 2) ходимлар йиллик иш ҳақидан 1500 дан 2000 рублгача бўлган тушум, 3) нафақалар 4) вилоят босмахонаси даромадлари, 5) Қўмита нашрларини сотишдан тушадиган маблағлар. Кўрсатилган суммалар қўмита ўз ихтиёри билан тасарруф этадиган суммалар бўлган. Мазкур суммалардан қўмита котибининг иш ҳақи учун ҳар йили бир хил 750 рубль миқдорида маблағ ажратилган.

Тасдиқланган йиллик маблағдан ортиб қолган миқдорлар кейинги йилги қўмита томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар жадвалига киритилган ва тақсимланган.

Қўмитанинг йиллик харажатлари қуйидагиларга тақсимланган: 1)Қўмитанинг илмий ишларини қайта ишлаш ва ёзишмалар харажатлари учун; 2) иш юритиш эҳтиёжлари учун; 3) илмий қўлланмаларни сотиб олиш учун; 4) китоблар, хариталар ва журналлар харид қилиш; 5) Қўмита асарларини нашр этиш харажатлари учун; 6) ходимларни статистика топшириқлари билан вилоятлар ва туманларга юбориш харажатлари ва ниҳоят, 7) агар Қўмита девонхонаси учун бўш жой бўлмаса жой ажратиш харажатлари [6]. Вилоят статистика қўмиталари ишлаб чиқариш ва илмий йўналиш бўйича Марказий статистика қўмитасига бўйсунган.

Маъмурий статистикани юритиш бўйича статистика қўмитасининг асосий мақсади қуйидагилар бўлган: ҳар бир вилоят учун ҳукумат ва Марказий статистика қўмитасининг илтимосига биноан вилоятнинг сони ва сифати, вилоят аҳолиси ва ишлаб чиқарувчи кучлари тўғрисидаги аниқ статистик маълумотларни тўплашнинг энг тўғри усулларини яратиш. Мазкур маълумотларни ягона бир шаклда қайта ишлаш Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва статистика қўмиталарига етказилган.

Йил давомида ёки йилнинг маълум вақтида тўпланган маълумотлардан Қўмиталар қуйидагиларни тузган: 1) Марказий статистика қўмиталари томонидан талаб қилинадиган ҳар хил йўналишлар бўйича статистик жадваллар тайёрлаш 2) вилоят губернаторлари бошқарув ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотлар ва уларнинг йиллик ҳисоботлари учун бошқа маълумотлар (уларни тақдим этиш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан зарур бўлган ҳолларда тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда тузилган кўрсатма асосида бўлган) 3) Земство муассасалари тўғрисидаги ва Земство божлари тўғрисидаги Низомда кўрсатилган мавзулар бўйича статистик ҳисоботлар. Ушбу жадваллар ва ҳисоботлар тегишли услублар билан ишлаб чиқилиши ва тегишли жойга Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган муддатда тақдим этилиши керак бўлган.

Бундан ташқари, вилоят статистика қўмиталарига вилоятларнинг, шунингдек шаҳарларнинг ва айниқса баъзи бир сабабларга кўра вилоятнинг топографик, тарихий, саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги ва диққатга сазовор жойлар ҳақида батафсил тавсифларни тузиш, вилоят тўпламларида тегишли мақолалар ва тавсифларни чоп этиш, вилоятлар ва алоҳида шаҳарлар тўғрисида эсдалик китобларини тўплаш ва нашрдан чиқариш, сўнгра вилоятлар ҳамда уларнинг қисмлари ҳақидаги алоҳида монографияларни ва тавсифларни чоп этиш вазифаси ҳам юклатилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1886 йилнинг 16 августида Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига ҳар бир минтақада Статистика қўмитасининг амалдаги қонуний қоидаларга мувофиқ ташкил этилиши ва бу борада кутилаётган харажатлар тўғрисида таклиф билан чиққан [7].

Ушбу таклифга кўра, ҳар учала минтақада ҳам статистика қўмиталарини тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган ва таркиби қуйидагича бўлиши таклиф қилинган: Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд Статистика қўмитасининг ажралмас аъзолари; ҳарбий губернаторлар бўлиши: Сирдарёда: Ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, Ғазначилик палатаси бошлиғи, Назорат палатаси бошлиғи, вилоят шифокори ва Тошкент шаҳар ҳокими; Фарғонада: Ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, халқ таълими мактаблари раҳбари, Епархия маъмурияти ва шаҳар иқтисодий маъмурияти раисининг қарорига биноан православ черкови аъзоси (бундан ташқари Фарғона вилоятида бўлинмалар бўйича алоҳида бўлинмалар командирлари йўқ бўлганда Статистика қўмитасининг ажралмас аъзолари вазифаларини Ғазначилик губернатори ва генерал-губернаторга бириктирилган кончилик бўйича мутасаддига етказиш ва уларнинг ушбу минтақага ишбилармонлик ташрифлари чоғида Қўмита мажлисларида қатнашишлари шартлигини белгилаб қўйилиши керак) Самарқандда: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, Самарқанд черкови бошлиғи, Самарқанд округи бошлиғи, судя, туман шифокори, туман хазиначиси ҳамда ирригация, қурилиш ва маҳаллий бошқарув бўйича масъул раҳбарлар.

Шунингдек, Қўмита котибининг вазифаларини бажариш учун агар йилига 750 рубль миқдоридаги иш ҳақи учун тегишли одамни топиш имкони бўлмаса, минтақадаги эркаклардан бирига тайинлаш қулайроқ деб тан олинади. Мазкур лавозимдаги шахс учун Сирдарё Статистика қўмитаси йиллик харажатларидан йилига 600 рубль, Фарғонада 750 рубль ва Зарафшон округида, агар статистика қўмитаси котиби лавозимига махсус мансабдор шахсни тайинлаш зарур бўлса, унга йилига 1500 рубль миқдорида иш ҳақи тайинланиши, шунингдек, Қўмитанинг девонхона ишлари харажатларига 300 рубль ва ҳисоботлар учун материалларни йиғишга 1200 рубль миқдорида маблағ ажратилиши таклиф қилиб ўтилган [8].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори биринчи навбатда Статистика қўмитасини сақлаш учун қуйидаги харажатлар зарур деб, ўз таклифини бериб ўтган:

Котибнинг вазифалари учун масъул бўлган шахсга иш ҳақи – 750 рубльь

Ишга одам ёллаш ва девонхона ишлари учун – 500 рубльь

Китоблар, хариталар ва журналларни сотиб олиш учун – 200 рубльь

Зарур хизмат сафарларида, шу жумладан таржимон ёллашга – 300 рубль.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори вилоят статистика қўмитаси йиллик харажатлари учун йилига 2000 рубль кредит ажратиш ва уни қуйидагича тақсимлашни таклиф қилган:

1. Қўмита котибига иш ҳақи – 600 рубль.
2. Идора харажатлари учун – 300 рубль.
3. Кутубхона учун карта сотиб олиш ва бошқалар – 100 рубльь
4. Қўмита ишларини нашр этиш учун – 1000 рубль.

Жами – 2000 рубль.

Ходимлар сонининг кўрсатилган тақсимотини тушунтиришда ўша даврда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бўлган генерал-майор Гродеков қуйидагиларни таъкидлаб ўтган [9]: 1) Иш юритиш харажатларини сарфлаш Котибга топширилиши керак, унга ойлик эмас, балки 75 рубль миқдорида хизмат ҳақи берилиши керак; 2) турли ҳужжатларни сақлаш учун Қўмитага кутубхона жуда зарур; 3) кутубхонада статистик ҳисоботлар ва маълумотномалар, географик хариталар, қўмитанинг турли хил ҳужжатлари ва ҳужжатларнинг нусхалари, турли бўлимларнинг ҳужжатлари. 4) Қўмита кубутхонаси Вилоят бошқармасида алоҳида хонада бўлиши керак ва бошқарманинг ишларида ёрдам беради. 5) Барча қўлёзма ҳужжатлар кутубхонада боғланган ҳолда сақланиши керак ва бу Қўмита расмийлари ва котибининг ишини анча енгиллаштиради, чунки маълум ишлар учун зарур бўлган маълумотлар бир жойда тўпланади ҳамда Қўмита идораси ишлари атрофга тарқалиб кетмайди.

Кутубхонани шакллантириш ва бошқариш Котибга тегишли бўлиб, у каталогни тузиш, кутубхонани янги олинган асарлар ва қўлёзмалар билан босқичма-босқич тўлдириб бориши шарт. Қўмита кутубхонаси вилоят кенгашида сақланиши мумкин ва у вилоят кенгашидаги турли хил махсус масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Марказий статистика қўмитасига ва ички ишлар вазирлигига етказилган ва турли бўлимларнинг талабларига биноан бажарилган қўмитанинг барча мажбурий ишлари йиллик маблағларидан ёзишмалар нархида бажарилиши керак ва уларни нашр қилиш учун 1000 рубль миқдорида маблағ ажратилган. Нашрлар эса эсдалик китоблари, тўпламлар, йилномалар ва бошқалар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу соҳани ўрганишда бегона шахслар жалб қилинганда фақат энг яхши ишлар учун ҳақ тўланиши керак. Тўлов юқоридаги 1000 рублдан, ҳар бир варақ учун 20 дан 50 рублгача миқдорида берилиши мумкин. Аммо тақдим этилган иш ва мақола Қўмитанинг умумий таркибида ёки ундан ажратилган махсус таҳририят қўмитасида кўриб чиқилгандан кейин берилиши керак.

Китоб ва рисола нашр қилинган тақдирда, у қўмита назорат палатасида фақат нашр харажатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, яъни қоғоз сотиб олишда, босмахона харажатларида, реклама учун газеталарга пул тўлашда ва ҳ.к.да. Шунга қарамай, нусхаларини нашр қилиш Қўмитанинг тўлиқ ихтиёрига берилади, уларнинг 2-3 нусхаси

китобга киритилган мақолалар муаллифларига берилиши мумкин. Статистика қўмиталарининг бошқа нашрлари, географик ва шунга ўхшаш илмий жамиятларнинг нашрларини белгиланган нархда сотадилар ва барча даромадлар Қўмитанинг ўз кассаларига юборилиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, губернатор Гродеков ўз таклифида Статистика қўмиталарига маблағ давлат томонидан эмас, балки вилоят земстволари йиғиндисидан амалга оширилиши ва Бошқарув палаталари томонидан текширилмаслиги кераклигини таъкидлаган [10].

Ҳудудий статистика қўмиталарига ажратиладиган маҳаллий земство солиғи давлат даромадларининг бир қисмидир, шунинг учун ундан олинган ҳаражатлар Давлат назорат идораси томонидан текширилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Қўмита аъзолари ёки котибига маълум ҳудудларни ўрганиш учун минтақанинг ички қисмига саёҳатлар қилганда маблағ ажратиш кераклиги хусусида таклиф билан чиққан.

Губернатор шунингдек, бундай саёҳатлар статистик тадқиқотларда сўзсиз фойдали эканлигини инобатга олган ҳолда, генерал-губернаторга Қўмитага аъзоларига ва котибга ўз маблағлари ҳисобидан амалдаги йўл ҳақи миқдорида саёҳат учун грантлар ажратишда ёрдам беришни сўраган.

Нақд харажатлар тўғрисида қисқача йиллик ҳисоботни Қўмита кейинги ҳисобот йилининг 1-февралигача вилоят губернаторига топшириши ва йиллик фаолияти ва йиғилишлари тўғрисидаги ҳисоботини нашр этиш мажбуриятини олиши кераклигини ҳам қайд этиб ўтади.

Гродеков ўз таклифида, Сирдарё вилоят статистика қўмитаси таркибига қуйидагиларни киритган: раис – вилоят ҳарбий губернатори ва доимий аъзолари: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, Туркистон ғазначилиг бошлиғи, жаноб ҳазратлари ҳузуридаги махсус топшириқлар учун амалдорлар: алоқа йўллари ва тоғ-кончилик соҳаси раҳбарлари, давлат мактаблари инспектори, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокими (7 та домий аъзо).

Фарғона ва Самарқанд вилоят статистика қўмиталари эса: раис - ҳарбий губернатор ва қуйидаги доимий аъзолар: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори ва инспектори, давлат мактаблари раҳбарлари, Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, қўмита таркибига мусулмон руҳонийси вакили киритилмаган.

1886 йилги земство ҳисоб-китобига кўра, минтақадаги учта статистика қўмитасини сақлашга 6000 рубль ажратилган. Бу харажатлар Давлат кенгаши томонидан тасдиқланган ва шунинг учун юқорида қайд этилган таркибда ҳар бир вилоятда қўмиталар ташкил этилган [11].

Қўмиталар маблағларни сарфлашда:

1) Қўмита котиби учун ойлик маош миқдори қонун билан, яъни йилига 750 рубль миқдорида белгиланган. Котибнинг вазифалари қўмитанинг рухсати билан бошқа лавозимлар билан бирлаштирилиши мумкин.

2) Статистика қўмиталари тўғрисидаги Низомнинг 22-бандига биноан, эҳтиёжлари учун Қўмита томонидан тасдиқланган ҳисоб-китобларга ажратилган маблағларни сарфлашга рухсат берилган.

3) Низомнинг 24-бандига кўра Қўмитанинг тушумлари, харажатлари ва йиллик харажатларини қайта кўриб чиқишда улар нақд пул тўғрисидаги умумий қоидаларга бўйсунган.

4) Низомнинг 23-бандида Қўмитанинг ортиқча маблағларини, шу жумладан Қўмита нашрларини сотишдан тушадиган маблағларни сарфлаш тартиби кўрсатиб ўтилган ва Қўмита ихтиёрига берилган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, статистика қўмиталарини очиш тўғрисидаги буйруқ билан бир вақтда минтақаларнинг ҳарбий губернаторларига уларнинг иш фаолиятида, шунингдек уларни сақлаш учун ажратилган маблағларни сарфлашда “Статистик қўмиталар тўғрисидаги умумий қоидалар”га асосланиши кераклиги тўғрисида кўрсатма бериб ўтилган.

Қўмиталар ўз фаолиятида Ички ишлар вазирлигига ҳам талаб қилинган вақтда ҳисоботлар тақдим этиб боришган. Ички ишлар вазирлиги Марказий статистика қўмитасининг вилоят ҳарбий губернаторларига 1887 йил 9-декабрда ёзган 2607-сонли хатида қуйидагилар маълумотларни етказиб бериши сўраб ўтилган:

1) Вилоятнинг земство ва шаҳар муассасаларида ва уларнинг остида - статистика органлари (бюро, бўлим ва бошқалар) ёки статистик маълумотларни йиғиш ёки ишлаб чиқиш ёки статистик тадқиқотлар ишлаб чиқариш вазифаси юклатилган махсус мансабдор шахслар мавжудлиги

2) ушбу органлар айнан кимлардан иборатлиги, яъни уларни исм-шарифлари билан кўрсатган ҳолда.

3) статистик маълумотлар учун қанча ва айнан нима учун ажратилиши.

4) земство ва шаҳар муассасалари учун зарур бўлган статистик тадқиқотлар қандай тартибда ва ким орқали амалга оширилишини

5) вилоят ҳарбий губернатори бундай статистика органлари ёки айрим мансабдор шахсларнинг таркиби ва фаолият дастури тўғрисида аниқ маълумотга эга ёки эгамаслиги.

Самарқанд вилояти статистика қўмитаси Туркистон генерал-губернаторига йиллик фаолияти, сарф-харажатлари ва амалга оширган ишлар юзасидан ҳар йили ҳисоботлар тақдим этиб борган. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий архивидаги фондларда батафсил маълумотлар бериб ўтилган.

4. Хулосалар:

Мазкур фондлардаги ишлардан шуни кўриш мумкинки, Самарқанд вилояти статистика қўмитаси ёзма ва жадвалли шаклда белгилаб берилган услубда ва муддатда ҳисоботларини тақдим этиб боришган.

Вилоят статистика қўмитасининг фаолият йўналиши қуйидагича бўлган:

а) қилиниши шарт бўлган ишлар:

1) Самарқанд вилоятининг йиллик статистик шарҳларни нашр этиб бориш;

2) вилоятнинг йиллик манзилли-календарини чоп этиш;

3) вилоят бўйича турли давлат ташкилотлари ва шахслар ҳақидаги статистик маълумотлар тўплаш;

4) турли йўналишлар бўйича статистик жадваллар ва ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқалар.

б) ихтиёрий ишлар:

1) Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги, аҳолиси, қабилалар, аҳоли саломатлиги ва гигиенаси бўйича статистик маълумотларни тўплаш;

2) “Самарқанд вилояти маълумотномаси” китобининг йиллик нашрларини тайёрлаш;

3) турли йўналишларга оид китоблар нашрдан чиқариш. Жумладан, шаҳар тарихи, этнографияси, топонимикаси, аҳоли рўйхати, аҳоли саломатлиги, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.

Юқоридаги вазифалар бўйича қўмита таркибий қисми иш олиб бориб, амалга оширган ишларни қўмитага тақдим этган. Қўмитанинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб йиғилиш баённомаси, қўмита фаолияти, сарф-харажатлари, кирим-чиқимлар, қўмитанинг кутубхона ва музейи фаолияти, статистик жадвалларни ўз ичига олган ҳисоботлар умумлаштириб Туркистон генерал-губернаторига тақдим этилган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. ЎзМА И-22-фонд, 2-рўйхат, 1478-иш, 1-варақ (UzNA I-22 fund, list 2, case 1478, sheet 1).
2. Положение об управлении Туркестанского края. Том 2. Часть 2. 1886 год (Regulations on the management of the Turkestan region. Volume 2. Part 2. 1886).
3. ЎзМА. И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 21-варақ (UzNA. I-1 fund, 22nd list, 804th case, 21st sheet.).
4. ЎзМА И-1-фонд, 35-рўйхат, 21-иш, 105-варақ (UzNA I-1 fund, list 35, case 21, page 105).
5. ЎзМА И-1-фонд, 35-рўйхат, 21-иш, 105-варақ (UzNA I-1 fund, list 35, case 21, page 105).

6. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 15-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 15).
7. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 16-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 16).
8. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 16-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 16).
9. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 17-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 17).
10. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 17-орқа варақ (UzNA I-1 fund, 22 lists, 804 cases, 17 back pages).
11. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 19-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 19).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Рахмон Ибрагимов,
ЎзР ФА Миллий археология
маркази
rzibragimov65@mail.ru

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР

For citation: Rakhmon Ibragimov, ON THE ISSUES OF PERIODIZATION AND CHRONOLOGY OF THE ANCIENT HISTORY OF THE TASHKENT OASIS. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.30-37

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-5

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Тошкент воҳасининг қадимги давр тарихининг даврлаштирилиши ва хронологияси масаласига бағишланган. Унда Тошкент воҳасининг тарихий даврлари ва хронологиясининг тарихшунослиги батафсил ёритилган. Шунингдек, ўрганилаётган масала қўшимча маълумотлар билан бойитилган. Илмий мақоланинг якунида воҳанинг қадимги давр тарихи даврлаштирилиши ва хронологияси масаласи бўйича янгича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: хронология, даврлаштириш, бронза даври, илк темир даври, ёдгорлик, манзилгоҳ, қабр-қўрғон, Тошкент воҳаси, Андронов маданияти, Бургулик маданияти, Қовунчи маданияти.

Рахмон Ибрагимов,
Национальный центр
археологии АН РУз
rzibragimov65@mail.ru

К ВОПРОСЫ ПЕРИОДИЗАЦИИ И ХРОНОЛОГИИ ДРЕВНЕЙ ИСТОРИИ ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросу периодизации и хронологии древней истории Ташкентского оазиса. В нем подробно описаны историографии исторические периоды и хронология Ташкентского оазиса. Кроме того исследуемый вопрос был обогащен дополнительной информацией. В итоге научной работы были внесены новые предложения по периодизации и хронологии древней истории оазиса.

Ключевые слова: хронология, периодизация, бронзовый век, ранний железный век, памятник, поселение, курган, Ташкентский оазис, андроновская культура, бургуликская культура, куанчинская культура.

Rakhmon Ibragimov,
National center of archaeology
of the AS RUz
rzibragimov65@mail.ru

ON THE ISSUES OF PERIODIZATION AND CHRONOLOGY OF THE ANCIENT HISTORY OF THE TASHKENT OASIS

ABSTRACT

This article is devoted to the issue of chronology and periodization of the ancient history of the Tashkent oasis. It details the historiography of chronology and historical periods of the Tashkent oasis. Moreover, the research issue was enriched with additional information. As a result of scientific work, new proposals were made on the periodization and chronology of the ancient history of the oasis.

Index Terms: chronology, periodiration, Bronze Age, Early Iron Age, monument, settlement, tomb-fortress, Tashkent oasis, Andronov culture, Burgulik culture, Kaunchi culture.

---

1. Долзарблиги:

Кишилик жамияти тарихи узоқ давом этган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг заминида даврлар, саналар ётади. Ўтмиш тарихни ўз қарида сақлаб келаётган археологик ёдгорликлар ва асосида шакллантириладиган маълум маданиятларнинг даври ҳамда хронологиясини аниқлаш муҳим ўрин тутиб, улар ўз даври тарихи, хусусан, жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларини тўлиқ англашнинг асосий мезони саналади. Уларнинг аниқ даврини белгилаш орқали ўтмиш тарихни объектив ва ҳаққоний яратиш мумкин. Тошкент воҳасининг бронза давридан антик давригача бўлган тарихининг асосий босқичлари ва уларнинг хронологияси тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган бўлсада, даврлар оралиғида вужудга келган бўшлик, ёки айрим эътирозли масалалар тўлалигича ўз ечимини топмаган. Воҳа тарихини даврлаштириш изчиллигининг маълум тизимини яратиш археология фанининг муҳим вазифаларидан бири саналади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Тошкент воҳасида ўтган асрнинг бошларигача олиб борилган археологик тадқиқотларда қадимги давр ёдгорликлар ёки маданий қатламлари архаик даври, қулдорлик даври, исломгача давр сифатида даврлаштирилган. 1934 йилда Қовунчитепа манзилгоҳида стратиграфик қазишма ишлари ташкил этилгандан сўнг ёдгорликнинг маълум даврини аниқлаш тизимини фанга жорий қилина бошланган [Г.В.Григорьев 1937; А.И.Тереножкин 1940, 1950: С.П.Толстов 1945;]. Бронза даврига оид ўрганилган ёдгорликларнинг [М.Э.Воронец 1949, 1951; Тереножкин А.И., 1950, Г.В.Оболдуева 1955; С.Рахимов 1970; Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Растовцев О.М.1972; Х.Дуке 1979] Андронов маданияти ёки унинг босқичларига мансублиги келтирилиб, даври ва санасибелгиланмаган. XX асрнинг 60-80-йилларда археологик тадқиқот ишлари кўлами кенгайиб, янги археологик материаллар тўпланиши билан ўлка тарихининг илмий муомалада бўлган асосий даврлари ва уларнинг хронологияси ишлаб чиқилган [Л.М.Левина 1971, Х.Дуке 1982, Ю.Ф.Буряков 1983, М.И.Филанович 1983]. XIX асрнинг бошларида бронза даври археологик мажмуалар даврий жиҳатдан умумлаштирилган [Е.Е.Кузьмина 2008, 2008] ва мавжуд археологик материаллар янгича илмий ёндашув асосида мажмуаларнинг даври қайта кўриб чиқилиб, қадимийлаштириш жараёни кечади [С.Р.Баратов 2008, М.И.Филанович 2010].

3. Тадқиқот натижалари:

Тошкент воҳасида одамлар илк палеолит давридан яшаб, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ҳаёт узлуксиз давом этган. Ўлкада ашелдан мезолитгача даврларга оид кўпгина ёдгорликлар мавжуд. Неолит ва бронза даврларига оид археологик ёдгорликлар камчилликни ташкил этади. Бронза даврига оид ўндан ортиқ жойдан дафн

иншоотлари ва тасодифий топилмалар топиб ўрганилган. Улар “Чимбойлиқ хазинаси”, Никифоров ери, Тошкент канали ҳудуди, Туябўғиз сув омбори ҳудудидан топилган моддий ашёлар ҳамда Чорвоқ сув омбори ҳудудидаги қабрлар (қабр 1-5), Вреевский қабр-кўрғони, Искандар қишлоғи қабрлари, Тошкент шаҳри яқинидаги Серкали макони топилмалари ва бошқалардан иборат.

Армейские реформы 60-70 годов XIX века затронули и такой важный элемент военной жизни, как военное обмундирование войск. Учитывая географическое положение и резко-континентальный климат Средней Азии, форма и обмундирование туркестанских солдат в корне отличались от их той, что использовалась в европейской части Российской империи или на Дальнем Востоке.

В начале 60-х годов XIX века классический мундир солдата русской императорской армии (РИА) представлял собой двубортный суконный полукафтан темно-зеленого цвета со стоячим воротничком. [3] В условиях жарких температур, в которых приходилось воевать солдатам, данное одеяние приводило к излишнему потоотделению, и дискомфорту. Решение было найдено в следующем – вместо столь плотного одеяния было предложено в качестве формы легкая гимнастическая рубаха, до этого использовавшаяся для спортивных упражнений, на которую прикреплялись погоны и амуниция. [4] Согласно пункту 7 Приказа Военного Министра от 14 июля 1867 года за № 249 всем частям и учреждениям, подвергнувшимся переименованию и перенумерованию, соответствовали изменения в их форме. Так, например, Туркестанским линейным батальонам была присвоена форма Оренбургских линейных батальонов. [5, С. 9]

Таким образом, форма туркестанского солдата теперь представляла собой, как уже упомянуто выше, гимнастическую рубаху с суконными погонами, замшевые шаровары (чембары), выкрашенные в красный цвет, и белое кепи с назатыльником, предохранявшее от жгучих лучей солнца. Вместо ранца он носил холщовой мешок, который гораздо лучше приспособлен к ношению на спине. [6, С. 63]

Рисунок 1. Офицер и солдат в белых гимнастерках.

Хотелось бы особо подчеркнуть, что особенностью войск Туркестанского военного округа являлось наличие на эполетах и плечевых погонах офицеров и нижних чинов: в Туркестанских линейных батальонах номера батальона и литеры «Т», а в Туркестанском стрелковом батальоне, Туркестанской саперной роте и Туркестанской артиллерийской бригаде буквы «Т». [7, С. 1165]

Рисунок 2. Погоны туркестанских войск.

Необходимо отметить некую преемственность местных особенностей, которую проявляли военные, служившие в округе. Данное утверждение очень ярко демонстрируется на следующем примере. Чембары (шаровары), составлявшие основную часть костюма туркестанского военного, были введены в обмундирование по примеру туземцев. Данные шаровары прочны, летом дают возможность дышать коже и защищают ноги от колючки и прочего и они особенно удобны при верховой езде. [8, С. 64]

В отличие от нижних чинов офицеры и генералы вместо гимнастерки могли носить белые полотняные кителя, а вместо кепи фуражки, также закрывавшиеся белыми чехлами. [9] Также офицерам разрешалось носить чембары, но только в походе. [10, С. 64]

Белье туркестанского солдата производилось из местной бумажной ткани – бязи. Этот вид снабжения производился на основании приказа по Военному ведомству от 21 января 1870 года за № 15. [11, С. 260] Данные меры были введены на основании того, что эта хлопчатобумажная ткань гораздо дешевле русского холста, из которого ранее шили одежду. На местном рынке аршин бязи можно было купить по цене от 5 до 10 копеек. [12, С. 260] Кроме того, данный материал после стирки становился мягче, следовательно, приятнее для носки. Но в этом заключался и ее минус, так как по плотности бязь уступала холсту, в походное и рабочее время она рвалась и уничтожалась. Данный факт был причиной частых жалоб войск на интендантство.

С целью уменьшения расходов, согласно пункту 7 Приказа Военного Министра от 14 июля 1867 года № 249 разрешалось производить изменения в форме обмундирования нижних чинов по мере выслуги ее сроков, а для офицеров разрешалось донашивать форму в течение одного года с момента вступления приказа в силу. [13, С. 9] Впоследствии сроки службы формы для туркестанских солдат были скорректированные приказом от 26 апреля 1869 года, за № 149. [14, С. 238] Срок службы гимнастической рубахи устанавливался - 1 год, замшевых шаровар – 2 года, мундиру назначался 4-х летний срок, а шинелям 2-х летний. В европейской России, например, были установлены иные сроки ношения: для мундира – 2 года и для шинели – 3 года. [15, С. 63, 64] Здесь еще раз большую роль играл сухой, жаркий климат Туркестана, резко отличающийся от влажной и прохладной погоды, соответствующей климатическим особенностям европейской части Империи. В Туркестанском крае солдаты чаще носили шинели, чем мундиры особенно в походных условиях или в мирное время, преимущественно ночью, когда становилось прохладно. Практика показала, что за четыре года мундир изнашивается, а шинель за тот же период может носиться более долгий срок. В результате чего было предложено установить им 3-х летний срок ношения. [16, С. 64]

Тем же приказом [17, С. 64] определялось сверх отпускаемых по общему для всех войск положению двух пар сапог с удлиненными голенищами, отпускать еще третью пару сапог с голенищами также 12-ти вершковой длины на тех же основаниях, на которых отпускалось им прежде третья пара сапог с голенищами 16-ти вершковой длины (кавказского образца). То есть в первый год – полную пару сапог и деньги на шитье, прибор и чернение в количестве 30 копеек, а во второй год одну пару передов и подошв (без голенищ) и денег 19 ½ копеек. [18, С. 64]

Выбранный фасон формы для туркестанских войск, был введен, учитывая и опыт прошлых экспедиций в Среднюю Азию, в частности зимнего похода графа В.А. Перовского в Хивинское ханство в 1839-1840 годы, закончившийся неудачей. Тогда одежда для нижних чинов состояла из теплого и стеганного из овечьей шерсти полушубка и шаровар, фуражки с широким накидным назатыльником, рукавиц, шерстяных валенок с просторными сапогами. [19, С. 4] По мнению генерала М. А Терентьева именно эти костюмы погубили множество народа во время похода, так как были плохо простеганы и джебага (сваленная овечья шерсть) все время сползала вниз, образуя неудобства. [20, С. 73, 74] В дополнение к вышесказанному хотелось бы отметить, что при введении формы туркестанских войск учитывались данные о климатических условиях региона, основанные на научных исследованиях.

На страже ТуркВО стояли казаки. Округ охранялся 1-им пешим казачьим батальоном, 7-ю казачьими полками, состоявшими из: 3-х оренбургских, 1-го сводного (из оренбургских и уральских сотен), 2-х сибирских, 1-го семиреченского. [21, С. 206, 207]

Казаки в Туркестанском округе, вместо гимнастической рубахи носили рубашки из верблюжьей шерсти – армячина. [22, С. 65] Она была серого цвета, благодаря чему меньше пачкалась и главное была чрезвычайно прочной, что очень важно, при верховой езде и особенностях казачьей службы. Армячина была введена в Туркестане в 1865 году, а после образования ТуркВО, были определены сроки службы этой шерстяной рубашки – от 2-х до 21/5 лет. [23, С. 65]

На фоне покупки армячины четко прослеживается социальная дифференциация в казачестве. Так, например, кто побогаче покупали себе более темную, тонкую материю, а кто победнее делали рубаху из грубой светлой материи. Такая рубаха обходилась казаку от 1 рубля 25 копеек до 2 рублей 40 копеек. [24, С. 65] Почти каждый казак имел только одну такую рубаху, а так как шерсть имеет похожее свойство садиться, как и сукно, ее не стирали, в связи, с чем вопрос о гигиене остается открытым.

Сибирское, Семиреченское, Оренбургское казачьи войска в отличие от Донского носили мундиры из темно-зеленого сукна и различались по войскам цветом погон, лампас и выпушек. Погоны и лампасы казаков Сибирского войска были красного цвета,

Оренбургского – голубого, Семиречинского – малинового. Казачим офицерам полагались серебряные, чешуйчатые эполеты, с накладным, золоченным № полка, подбитые малиновым сукном. [25, С. 625]

Рисунок 3. Рядовые казаки Оренбургского и Сибирского войск (слева) и рядовой штаб-офицер Семиреченского казачьего войска (справа).

4. Выводы:

В заключении следует еще раз подчеркнуть, что при создании нового типа формы была выработана новая нормативно-правовая база, были учтены условия среднеазиатского климата, в котором несли службу туркестанские войска и казачество, опыт походов прошлых лет, а также одежда местного населения, которая послужила примером для введения нового типа обмундирования.

Таким образом, следует подытожить, что с дислокацией в Туркестане российских войск во второй половине XIX века был создан новый тип военного костюма – уникального и не употреблявшегося более нигде в Российской империи.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Об образовании Туркестанского военного округа см.: Приказ Военного Министра от 14 июля 1867 за № 249 // Приказы Военного Министра январь-декабрь 1867. – СПб., 1867. – С. 7-8. (On the formation of the Turkestan military district, see: Order of the Minister of War of July 14, 1867, No. 249 // Orders of the Minister of War January-December 1867. - St. Petersburg., 1867. - P. 7-8.)
2. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 4. СПб, 1875. – С. 206. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 4. St. Petersburg, 1875. - P. 206.)
3. Русская армия в Туркестане. Эволюция военной формы. - Режим доступа: https://mikhael-mark.livejournal.com/403421.html. (Russian army in Turkestan. The evolution of the military uniform. - Access mode: https://mikhael-mark.livejournal.com/403421.html.)
4. Там же. Режим доступа: https://mikhael-mark.livejournal. com/ 403421. html. (Op. cit. Access mode: https://mikhael-mark.livejournal.com/403421.html.)
5. Об образовании Туркестанского военного округа: Приказ Военного Министра от 14.07.1867. № 249. // Приказы Военного Министра январь-декабрь 1867. – СПб., 1867. – С. 9. (On the formation of the Turkestan military district: Order of the Minister of War of 07/14/1867. No. 249. // Orders of the Minister of War January-December 1867. - St. Petersburg., 1867. - P. 9.)
6. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. – С. 63. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the

conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 63.)
7. О форме обмундирования и вооружения Семиреченского казачьего войска: Приказ Военного Министра от 18.07.1867 № 265. // Полное собрание законов Российской империи. Собр. Второе. Т. № 42. Ч. 1. – СПб, 1871 – С. 1165. (On the form of uniforms and weapons of the Semirechensk Cossack army: Order of the War Minister of 18.07.1867 No. 265. // Complete collection of laws of the Russian Empire. Coll. Second. T. No. 42. Part 1. - St. Petersburg, 1871 - P. 1165.)
8. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. – С. 64. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 64.)
9. Русская армия в Туркестане. Эволюция военной формы. - Режим доступа: https://mikhael-mark.livejournal.com/403421.html. (Russian army in Turkestan. The evolution of the military uniform. - Access mode: https://mikhael-mark.livejournal.com/403421.html.)
10. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. С. – 64. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. P. - 64.)
11. О заготовлении на месте, в Туркестанском военном округе, некоторых предметов довольствия вещами для войск и госпиталей Интендантской части: Приказ по Военному ведомству от 21.01.1870 № 15 // Приказы по Военному ведомству 1855-1879. - СПб.,1879. – С. 260. (On the procurement on the spot, in the Turkestan military district, of some items, some items, troops and hospitals of the Quartermaster's unit: Order for the assigned department dated 01.21.1870 No. 15 // Orders for the Military Department 1855-1879. - St. Petersburg., 1879 .- P. 260.)
12. См. там же: Приказ № 15 от 24.01.1870. - С. 260. (Op. cit: Order No. 15 dated 01.24.1870. - P. 260.)
13. Об образовании Туркестанского военного округа: Приказ Военного Министра от 14.07.1867 № 249. // Приказы Военного Министра январь-декабрь 1867. – СПб., 1867. – С. 9. (On the formation of the Turkestan military district: Order of the Minister of War of 14.07.1867 No. 249. // Orders of the Minister of War January-December 1867. - St. Petersburg, 1867. - P. 9.)
14. Изменения в обмундировании и снаряжении войск Туркестанского военного округа. Описание замшевых шаровар и холщовых ранцев: Приказ по Военному ведомству от 26.04.1869 № 149. // Приказы по Военному ведомству 1855-1879. - СПб., 1879. – С. 238. (Changes in the uniforms and equipment of the troops of the Turkestan Military District. Description of suede trousers and canvas knapsacks: Order for the Military Department of 04/26/1869 No. 149. // Orders for the Military Department 1855-1879. - St. Petersburg, 1879 - P. 238.)
15. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. – С. 63-64. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 63-64.)
16. Там же. – С. 64. (Op. cit. - P. 64.)
17. Костенко Л.Ф. Указ. сочин. – С. 64. (Kostenko L.F. Op. cit. - P. 64.)
18. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. - С. 64. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 64.)

19. Описание экспедиции в Хиву, произведенную под руководством генерал-адъютанта Перовского в 1839 году // Туркестанский сборник. – Т. № 58. – СПб. 1872. – С. 4. (Description of the expedition to Khiva, carried out under the leadership of Adjutant General Perovsky in 1839 // Turkestan collection. - T. No. 58. - St. Petersburg. 1872. - P. 4.)
20. Терентьев М.А. Хивинские походы русской армии. – М.: Вече, 2010. – С. 73 – 74. (Terentyev M.A. Khiva campaigns of the Russian army. - Moscow: Veche, 2010.- P. 73 - 74.)
21. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 4. СПб, 1875. – С. 206-207. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 4. St. Petersburg, 1875. - P. 206-207.)
22. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. – С. 65. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 65.)
23. Костенко Л.Ф. Туркестанские войска и условия их бытовой походной и боевой жизни // Военный сборник, № 5. СПб, 1875. – С. 65. (Kostenko L.F. Turkestan troops and the conditions of their everyday marching and combat life // Military collection, No. 5. St. Petersburg, 1875. - P. 65.)
24. Там же. – С. 65. (Op. cit. - P.65.)
25. Высочайше утвержденное,13 июля 1867 года, описание обмундирования и вооружения Семиречинского казачьего войска. // ПСЗРИ-2. Т. 42.1867. – СПб., 1871. № 44846. – С. 625. (The highest approved, on July 13, 1867, a description of the uniforms and weapons of the Semirechinsky Cossack army. // CCLRE-2. T. 42.1867. - St. Petersburg, 1871. No. 44846. - P. 625.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Нодира Набиевна Сафиходжаева,
Андижон давлат университети академик лицей ўқитувчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

For citation: Nodira N.Safikhodzhaeva, FORMATION OF ORPHANAGES IN THE FERGANA VALLEY. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.67-74

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-10

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг йўлга қўйилиши, етим болалар ҳамда ота-оналар қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат ҳимоясига олиниши, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Меҳрибонлик, тарбия, ахлоқ, қадрият, фаолият, Болалар уйи, Меҳрибонлик уйи, етим болалар, Антонина Хлебушкина, “Болалар қишлоғи”, Фарғона, Андижон, Наманган

Нодира Набиевна Сафиходжаева,
преподаватель академика-лицея
Андижанского государственного университета

ОБРАЗОВАНИЕ ДЕТСКИХ ДОМОВ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает вопрос о создании детских домов в Ферганской долине, государственная защита детей-сирот и детей лишенных родительской опеки, а также условия, созданные для них.

Ключевые слова: Милосердие, воспитание, нравственность, ценность, деятельность, Детский дом, Дом Милосердия, сирот, Антонина Хлебушкина, “Детская деревня”, Фергана, Андижан, Наманган.

Nodira N. Safikhodzhaeva,
lecturer at the Academic Lyceum
of Andijan State University

FORMATION OF ORPHANAGES IN THE FERGANA VALLEY

ABSTRACT

This article discusses the establishment of orphanages in Ferghana Yalley, the state protection of orphans and children deprived of parental care, and the conditions created for them

Index Terms: mercy, education, morality, value, activity, Orphanage, orphans, Antonina Xlebushkina, “Children’s village”, Ferghana, Andizhan, Namangan.

1.Долзарблиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараёнлар узлуксиз давом эттирилмоқда.Мамлакатнингянгиланаётганҳаётибарпо этилар экан,муҳим бир масалага давлат томонидан ҳамиша алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, маънавиятимизга мутлақо ёт бўлган иллатлардан, маънавий ва ахлоқий тубанликлардан,“оммавий маданият” ёпирилиб кириб келишидан огоҳлик ва улардан холи бўлишлик талаб этилади. Айнан,“оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузилишлар ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига зиён етказишдан иборат бузғунчиликлари, хатарли таҳдидлари инсонни буткул ташвишга солмоқда.

Мана шундай шароитда айниқса, ҳимоя қилишга муҳтож бўлган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши муҳим бўлганлар – меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир. Уларда оила, қариндошлик ришталари, оға-инилик каби маънавий қадриятларга нисбатан муносабат оддий болалар билан бир хилда эмаслиги, ахлоқий қадриятларга доимий равишда аниқлик киритиб бориш заруратини ҳисобга олган ҳолда, улар билан алоҳида ишлаш ва шу билан бирга, улар тарбияланаётган муассасанинг қандай шароитда пайдо бўлгани ва ҳозирга келиб улар фаолияти қандай аҳволда эканлиги, давлат томонидан айнан қандай муносабат ва эътибор қаратилаётганлиги каби саволлар жамоатчиликни қизиқтириш табиий. Мана шу масалаларга қисман бўлсада жавоб топиш мақсадида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган Фарғона водийси мисолида, меҳрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва уларда тарбияланувчилар тўғрисида фикр юритишни жоиздир.

Дунё мамлакатларида етим-есир болалар ва ота-онаси қаровидан ҳамда оила муҳитидан маҳрум бўлган болалар учун махсус давлат интернати тамойилидаги таълим-тарбия муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти давлат назоратига олинган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш масаласига, айниқса, улар ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва уларнинг бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашиши, болалар уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатидан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатидан ҳам, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан тўлиқ таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус қонунлар орқали кафолатланган. Болалар уйларини ташкил қилиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларнинг мустақил юридик шахс сифатида тан олиниши, етим-есирларга меҳр-мурувват, меҳр-нафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварликнинг алоҳида ўрни масалалари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, хўжалик юритиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, бу жараёнда учрайдиган муаммолар сабабларини ўрганиш юзасидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб масала бўлиб турибди.

Ана шу нуқтаи назардан, бор имкониятни ўрганиш ишга солиб, уни реаллаштириш назарий-фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади. Шу боисдан, Меҳрибонлик уйларининг жамият ҳаётидаги ўрни, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги етим болаларнинг таълим-тарбияси ва у билан боғлиқ муаммолар ечимини топишни тўлиқ таъминлаш, янада фаоллаштириш ҳамда улар учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш тизимини таҳлил этиш ҳам муҳим назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Шунга кўра, мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар самарадорлиги ёш болаларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ экан, уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, улар учун зарур тиббий-тарбиявий шарт-шароитларнинг яратилиши ҳамда уларнинг ижтимоий-маънавий соҳадаги фаолликларини оширишнинг объектив ва субъектив жиҳатларини илмий таҳлил этиш бугунги кун тақозосидир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XX асрнинг ўрталаридан то бугунги кунга қадар вақт оралиғида Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари, унинг тарихий аспекти кўрсатилган. Уларда тарихий тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига оид бўлган масалаларга диққат қаратилган[1]. Хусусан, Э.Н.Бондаревская фикрича ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаёти ва фаолиятида қизиқишлари ва мақсадлари нуқтаи назаридан ўйновчи ролларидир. Н.Н.Орлова меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятли ориентацияларни шакллантириш бўйича ишларида ўқувчиларнинг ҳаёт маъноси ва мақсадлари борасидаги тасаввурлари, кундалик хулқ-атворнинг элементар меъёрларини кўрсатиш билан бирга, шахснинг ахлоқий қадриятларни муваффақиятли шакллантириш учун махсуспедагогик ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди.

Бугунги кунгача ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳаётдаги иштироки ва фаолиятлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши,унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, бу ердаги тиббий-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш ва уларни ижтимоий мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳимдир. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш натижасида совет ҳукмронлиги даврида нашр этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётларҳамда ҳорижлик олимлар олиб борган тадқиқотларўрганилди.

Совет даврида яратилган адабиётлар[2]синфий-сиёсий ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган даврда ёзилган бўлиб, уларда нафақат республи-канинг ички ҳаёти, балки халқаро ҳамкорлик масаласида ҳам маданият, халқ, жамият, мафкура ва маънавий омилларнинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги партия органларининг роли[3]ҳамда “социалистик мусобақалар”га асосий эътибор қаратилган. 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган етим болаларнинг Ўзбекистонга олиб келиниши ва бу билан боғлиқ жараёнлар, уларнинг кейинги турмуш шароити, Болалар уйлари фаолияти бўйича ёритилган кўплаб асарлар ва мақолалар борлигини ҳам таъкидлаш лозим[4].

Мустақиллик йилларида советлар тузумининг барбод бўлиши натижасида барча фанлар доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар коммунистик мафкура таъсиридан халос бўлди. Бу ўз навбатида ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида тарихий воқеликларни ёритишда янгича ёндашув ва қарашларга кенг йўл очиб берди, айниқса, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида тадқиқот ишлариолиб бориш имконияти туғилди. Лекин, бу тадқиқотларда айнан Меҳрибонлик уйлари ва уларнинг тарбияланувчилари фаолияти тарихийлик нуқтаи назаридан тўлиқ таҳлил этилмаган, фақат мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар[5.97-98] чоп этилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги, хусусан Фарғона водийсидаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари фаолияти масаласи тарихий изчилликда олиб борилган тадқиқотларда мазкур уйларда тарбияланувчиларнинг ижтимоий-маънавий ислоҳотлардаги иштироки, ёшларга доир давлат сиёсатида уларнинг ўрни муаммолари ҳужжатли манбалар ва архив материаллари асосида очиб берилган. Ижтимоий-гуманитар

фанлар йўналишида, жумладан, фалсафа ва педагогик соҳадаги тадқиқотларда мазкур мавзу ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда Фарғона водийсидаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари фаолияти масаласи, мазкур уйларда тарбияланувчиларнинг ижтимоий-маънавий ислоҳотлардаги иштироки, ёшларга доир давлат сиёсатида уларнинг ўрни муаммолари ҳужжатли манбалар ва архив материаллари асосида очиб берилган. Тарихий изчилликда олиб борилган тадқиқотларда Меҳрибонлик уйлари фаолиятига доир мақола, қўлланма ва тўпламлар мавжуд. Аммо, Фарғона водийсидаги Меҳрибонлик уйлари тарихи ва улар фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши каби масалалар тарихий аспектда ўрганилмаган.

Шу боисдан ҳам, мазкур масалаларни ўз ичига қамраб олган мавзуни илмий-тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу масала айрим хорижий олимлар томонидан ҳам қисман тадқиқ қилинган. Жумладан, уларнинг тадқиқот ишлари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни ёритишга бағишланган, айрим жиҳатларигина бизнинг Фарғона водийси билан боғлиқ тадқиқот учун манба бўлиб хизмат қилади[6.252].

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида Меҳрибонликуйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя остига олиниши, моддий-техник жиҳатдан уларнинг жиҳозланиши, мутахассис тарбиячи-мураббийларнинг тайёрланиши, тарбияланувчилар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, кўрсатиладиган тиббий-тарбиявий жараёнларни янада яхшилашни ташкил этиш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни масаласини илмий таҳлил этиш, мазкур вилоятларнинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг тўлақонли тарихини яратишга улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

3.Тадқиқот натижалари:

Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, бу ердаги тиббий-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш, етук тарбиячи устоз-мураббийлани тайёрлаб бериш ва уларни ижтимоий муҳофазалаш жараёнини амалий ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлиқ масалаларнинг илмий таҳлил этилиши мамлакат тараққиёти, ёшлар тарбияси ва мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига муҳим ҳисса қўшади.

Барча даврларда ҳам маълум жамиятда ота-онасиз қолган ёки уларнинг қарамоғини йўқотган болалар мавжуд бўлишган. Бунга турли омиллар масалан, жамиятдаги ички низолар, урушлар, турли бедаво касалликлар ва ҳоказолар сабаб бўлган. Етим қолган болаларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Бир қатор мамлакатларда қадимги даврлардаёқасосан черковлар қошида етим қолган ёки қаровсиз қолган болаларни қабул қилувчи, уларни вақтинчалик бўлса ҳам озиқ-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминлаш ишлари йўлга қўйила бошланди. Кейинчалик хайрия ташкилотлари бундай вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Айни вақтда ҳам ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида хайрия ташкилотлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Ана шундай ташкилотлардан бири Буюк Британияда фаолият олиб борувчи “Болаларни қутқариш” ташкилотидир. Мазкур ташкилот етим қолган ёки ота-она қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиши, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалаларини ҳам ҳал қилиб келганлиги маълум.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Энг аввало,давлат томонидан кўрсатилаётган асосий ҳимоя чоралари қариялар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари манфаатларига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 11февралда қабул қилинган

“Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори[7] ҳам кучли ижтимоий сиёсат, ёшлар тарбияси ва соғлиги борасидаги ҳукумат қарорлари маҳсули сифатида ота-онасиз ва қаровсиз қолган болаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш даражаси кучайганлигининг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда ижтимой етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия-тарбиямуассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида етим болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси сифатида Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ташкил этилган Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларини мисол қилиб олиш мумкин. Жумладан, Фарғонадаги Болалар уйи ва Тошкентдаги замонавий ҳамда кўркам “Болалар қишлоғи” юқори мартабали меҳмонларга намойиш этилади. Бу уйларда кўплаб ота-онасиз болалар оила шароитига мос равишда тарбия оладилар. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик уйларининг ташкил топиши даврига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда дастлаб Меҳрибонлик уйлари 1918 йилда етимхоналар асосида “Болалар уйи” номи билан ташкил этилган[8.639]. Бироқ, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда болалар уйлари ва унда тарбияланувчиларнинг сони кескин ошганини кўришимиз мумкин Уруш жанггоҳларида 300 минг нафардан ортиқ ватандошимиз ҳалок бўлди, уруш йилларида Ўзбекистонга бир миллион нафарга яқин киши РСФСР, Украина, Беларуссия, Молдавия ва бошқа жойлардан эвакуация қилинди. Улардан икки юз мингга яқини ёш болалар бўлган[9]. Албатта, бу уруш йилларида халқимиз ўртасида инсонпарварлик, дўстлик ва бир-бирига меҳрибонлик шундай намоён бўлдики, ота-оналаридан айрилган ва бутунлай етим бўлиб қолган турли миллат болалари серқуёш юртимизда, ўзбек хонадонларида бошпана топишди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистонда 214 та болалар уйи бўлиб, унда 20 минг нафар бола тарбияланар эди. Шунга асосан, Наманган вилояти 1942 йил январь ойида Ғова қишлоғига жойлаштирилган “Комсомолец” болалар уйида – 145 нафар, “Дедушка Ильич” болалар уйида 82 нафар, Намангандаги “Тўлқин” жамоа хўжалигида жойлашган 16-болалар уйида 102 нафар, “Ленин йўли” жамоа хўжалиги болалар уйида 270 нафар, Поп тумани марказидаги “Воровский” номли болалар уйида 117 нафар, Янгиқўрғон туманидаги”Красная Украина” болалар уйида 176 нафар, Шағанд қишлоқ кенгашидаги “Донбас-3” мактаб болалар уйида 69 нафар, Наманган шаҳридаги кўзи ожиз болалар уйида 125 нафар, ҳаммаси бўлиб 1252 нафар бола тарбияланди. Улар билан шуғулланувчи назоратчилар шаҳар ва туманларда ҳам ташкил топди.

Ўзбекистонга турли миллат вакилларидан иборат ота-онасидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва соғлиқларини сақлаш бўйича ташаббуслар билан Фарғона водийсида ҳам кўплаб болалар уйлари очилди, жумладан, Андижон вилоятида 1933 йилгача 6 та болалар уйи очилган бўлса, Фарғона вилоятида ҳам ўнгга яқин болалар уйлари мавжуд бўлган. Қўқондаги болалар уйи эса, 1919 йили ташкил қилинган. Марғилон шаҳрида жойлашган 1-сонли болалар уйи эса 1924 йили ташкил топган. 1943 йилга келиб, Наманган вилоятида 20 дан ортиқ болалар уйлари мавжуд бўлган бўлса, уларда 2237 нафар бола тарбияланарди. Уйчи, Янгиқўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида учта болалар уйлари барпо этилди[10.21].

Ўтган йиллар мобайнида ўзбек халқи ўзининг болажонлиги, бағрикенглиги ва инсонпарварлиги билан бошқа миллатларга ўрнак бўларлик даражадагиишларни амалга оширди.Дарҳақиқат, етим болаларни асраб олиш, уларга ҳомийлик қилиш, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглиги, доимий анъанаси бўлиб келган. Халқимиз ана шундай эзгу фазилатлари ва миллий қадриятларига ҳамиша содиқ қолган. Советлар тузуми даврида болалар уйлари ва турли интернатлар очилган. Ўша муассасаларга боқувчисидан

маҳрум бўлган болалар қабул қилинган ва тарбияланган. Фақат ўзининггина боласини эмас, балки бошқа бегона болаларни ҳам севиш, эҳтиётлаш, уларнинг тарбияси билан ҳам шуғулланиш талаб этилар эди. Етим-есирларнинг бошини силаш, кўнгилларини олиш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш халқимизнинг азалий удуми ва анъаналаридан бири бўлганлиги сабабли ҳам, улар билан ишлаш унчалик ҳам оғир кечмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида болалар уйлари фаолияти бирмунча яхшиланди. Чунки, ота-онасиз етим болаларни истаган томонга оғдириш ва хоҳлаган руҳда тарбиялаш осон кечар эди. Шунинг учун ҳам уларга "Ҳамма нарса болалар учун" шиори остида ғамхўрлик қилинди. Болалар уйларида яшаётган айрим болаларни ота-оналари кейинчалик ўз юртларига олиб кетишди. Уруш туфайли келиб қолган кўпчилик болалар Ўзбекистонда умрбод қолиб кетди. Ўша машъум йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган кўплаб болалар уйлари фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 24 та Меҳрибонлик уйлари, 21 та санатория мактаблари, 151 та махсус мактаблар фаолият юритади. Бундан етим ёки ота-она қаровисиз қолган ҳимояга мухтож болаларга нафақат иншоотлар балки SOS ташкилотлар, ҳомийлар ва давлат томонидан маҳаллалар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Ҳар бир вилоятида "Болалар шаҳарчалари" бунёд этилган бўлиб, бу ердатурар жой бинолари, ошхона, ювиниш хоналари, спорт майдончалари, ахборот ресурс марказлари бутун бир шаҳарчани ташкил этади. Яна бир эътиборга молик жиҳатлардан бири, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан "2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйларини ноинституционлаштириш дастури" қабул қилинди. Унга кўра Оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликни олдини олиш мақсадида Меҳрибонлик уйлари босқичма-босқич кам комплектли Болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказилиши кўзда тутилади. Бу ишларнинг барчаси мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига қаратилаётган юксак ғамхўрликнинг белгисидир.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Мавжуд Меҳрибонлик уйларининг ташкил топиши, улар фаолияти, бу ерда тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштиришга ва жамиятга уйғунлаштиришга кўмаклашадиган, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, шунингдек уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратиш ишларига давлат томонидан доимий эътибор ва ғамхўрлик қилиниб келинмоқда;

жамият ривожида Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, улар томондан амалга оширилаётган лойиҳалар ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик,етим болаларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда давлат ташкилотларининг ўрни масаласи билан боғлиқ муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалалар ҳақида илмий-назарий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради;

бугунги янгиланаётган тарихий жараёнларда етим болаларга муносабат масаласига оид илмий хулосаларни янги фикр-мулоҳазалар билан тўлдиради. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари масаласини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш, илмий хулоса ва таклифлар бериш, амалий тажрибаларга ёрдам беради. Тадқиқот ишида кўтарилган ғоялар, қарашлар ва хулосалардан мустақиллик даври тарихини ёзишда, Меҳрибонлик уйлари масалаларига оид махсус курслар, семинар-тренинглар ўтказишда ҳамда ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон, жумладан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари Меҳрибонлик уйларининг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни масаласи билан боғлиқ муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда тутган ўрни тарихийлик нуқтаи назаридан изчил умумлаштирилган ҳолда ўрганилди.

маънавий-маърифий фаолият орқали меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ахлоқий қадриятларни шакллантиришда мавжуд муаммолар моҳиятини очиб берувчи, уларни ҳал этиш бўйича усулларни кўрсатиб берувчи маърузалардан кенг фойдаланиш, танкидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, фаолликка ундаш мақсадида янги чоп этилган китоблар мутоаласини мунтазам тарзда ташкил этиб бориш, маажуд имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёнида маҳаллий шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ва мусиқачилар билан тадбирларни ташкиллаштириш, ёшларда маънавий ва ахлоқий қадриятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида адабий ўқишлар имкониятларидан ўринли фойдаланиш, ёшларнинг нафақат ақли, балки туйғуларига кучли ижобий таъсир кўрсатиш, уларда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими мустаҳкамланишини таъминлаш учун маънавий-маърифий кечалар ташкил килиб бориш усуллари ва тавсиялардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:Маънавият, 2008. –117 б.; Бондаревская Е.В. Ценностные основания личностно-ориентированного воспитания.//Педагогика, 1995.№4. –С.29,36.;Саидова Д.И. Маънавий-маърифий фаолият орқали меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ахлоқий қадриятларини шакллантириш.//Замонавий таълим/Современное образование, – Тошкент, 2017. –Б.3-15.; Орлова Н.Н. Опыт формирования ценностных ориентаций детей-сирот в учреждениях интернатного типа./ Вестник КГУ им.Н.А.Некрасова, 2008, том 14, –С.234.
2. Халқлар дўстлигининг буюк кучи. Мақолалар тўплами.-Тошкент. Ўзбекистон, 1974.; Шермухамедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры.-Ташкент: Узбекистан, 1980.; Раззоқов Т. Социалистик мусобақа ва ҳозирги шароитда уни қишлоқда ташкил этишнинг баъзи масалалари. – Тошкент. Фан, 1989.
3. Шермухаммедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Тошкент.: ТГПИ, 1984.
4. Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. – Тошкент: Фан, 1987; Воскобойников А., Яковлев М.Организаторская и идеологическая работа Коммунистической партии Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. –Ташкент, 1966.; Ефимов В.Патриотические подвиги труда Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны.– Самарканд, 1962.;Иноятов Ҳ. Ғалабага қўшилган ҳисса.– Тошкент, 1975.; Самарқанд тарихи. 2 том. –Тошкент, 1977.
5. Сафаева С. Аёллар масаласи умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан номз.– Тошкент, 2002.–86 б.; Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Педагогика.фан.номз...дисс.–Тошкент, 2001.– 136 б.; Юсупова Г. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси. Педагогика. фан.номз... дисс.–Тошкент, 2011.– 128 б.; Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида(Глобал муаммо сифатида).–Тошкент, ЖИДУ, 2005.– 250 б.Ўша муаллиф. Замонавий ўзбек аёлида инсониятнинг бебаҳо маънавий бойлик негизлари // Шарқ аёли: кеча ва бугун (илмий-амалий анжуман материаллари)-Тошкент, 2012.–Б.97-98.
6. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик. – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252.
7. Мирзиёев Ш.М.“Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сонли қарори/lex.uz/docs/4199119
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 том. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. –Б.639.

9. Анвар Назир. Иккинчи жаҳон уруши, Ғалаба куни ва СССР тарихига оид халқ орасида тарқалган ёлғонлар/https://sof.uz/post/ikkinchi-jahon-urushi-g-alaba-kuni-va-sssr-tarixiga-oid-xalq-orasida-tarqalgan-yolg-onlar
10. Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Педагогика фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б.21.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Азизбек Гўзалович Холлиев,
Ўзбекистон Миллий университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси доценти
usta1973@yandex.ru

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

For citation: Azizbek G.Kholliev, HISTORIOGRAPHY OF ECONOMIC RELATIONS OF RUSSIA IN THE IN THE END OF XIXth - THE BEGINNING XXth CENTURIES. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.75-81

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-11

АННОТАЦИЯ

Россия империясининг XIX аср охири - XX аср бошида олиб борган иқтисодий сиёсати шу давргача алоҳида мавзу сифатида ўрганиш заруратини йўқотмаган. Шундай бўлса-да, Россиянинг амалга оширган иқтисодий сиёсати билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласи доимий равишда тарихчиларни қизиқтириб келган. Ҳозирга қадар ўз мазмунига кўра тадқиқот мавзусига яқин бўлган бир қатор адабиётлар, монография, умумлашма мақола ва рисолалар нашр этилиб келинган. Ушбу мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империясида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар тарихига бағишланган адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Иқтисодий муносабатлар, Россия империяси, метрополия, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, саноат, тарихшунослик

Азизбек Гузалович Холлиев,
Национальный университет Узбекистана
Доцент кафедры «Всемирная история»
usta1973@yandex.ru

ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РОССИИ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Экономическая политика Российской империи в конце XIX - начале XX вв. до сих пор не потеряла своей потребности к изучению в качестве отдельной темы. Тем не менее, вопрос изучения и анализа процессов, связанных с процессами экономической политикой России, всегда интересовал историков. К настоящему времени опубликован ряд публикаций, монографий, аннотаций и брошюр, содержание которых близко к теме исследования. В

статье, с историографической точки зрения, анализируется литература по истории экономических отношений в Российской империи конца XIX - начала XX века.

Ключевые слова: экономические отношения, Российская империя, метрополия, социально-экономическая жизнь, промышленность, историография.

Azizbek G.Kholliev,
National University of Uzbekistan
Associate Professor of "World History" department
usta1973@yandex.ru

HISTORIOGRAPHY OF ECONOMIC RELATIONS OF RUSSIA IN THE IN THE END OF XIXth - THE BEGINNING XXth CENTURIES

ABSTRACT

The economic policy of Russian empire in the end 19 - the beginning 20 centuries till now has not lost the need to studying as a separate theme. Nevertheless, the question of studying and the analysis of the processes connected with economic policy of Russia, always interested historians. By present time a number of publications, monographies, summaries and brochures which contents is close to a theme of research is published. In article, from the historiographic point of view, the literature on history of economic relationsin Russian empire of the end XIX - beginnings of XXth century is analyzed.

Index Terms: Economic relations, Russian Empire, metropolitan country, socio-economic life, industry, historiography

---

1. Кириш ва долзарблиги:

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллаши, ўз манфаатларини сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий соҳаларда самарали амалга ошириши билан белгиланади. Шунга асосан, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ҳамкорлигида янги босқич юзага келди. Амалга оширилган ўзаро муносабатларга рационал ёндашувлар ҳар икки мамлакатлар ташқи сиёсатида янги саҳифа очилишига замин яратди. Зеро, Россия айни вақтда йирик имкониятларга бой, дунё миқёсида ҳурмат қозонган давлат сифатида, ўзбек ва рус халқлари узоқ тарихий даврлик маданий-маърифий алоқалар тарихига эга. Ўзбекистон Республикаси билан Россия ҳукумати ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида протоколлар, савдо-иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида протоколлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Шу нуқтаи назардан, ривожланган дунё мамлакатларидан бири ҳисобланган Россиянинг иқтисодий муносабатлари тарихини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги (2012) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сонли Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада хизмат қилади.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид ишлар таҳлили ва янгича концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққкан ҳолда ўрганилаётган муаммо доирасидаги манба ва адабиётларни тўрт гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Биринчи гуруҳга Россия империясининг иқтисодий сиёсатига бевосита алоқадор бўлган муаллифларнинг асарлари киради. Улар мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, Россия империясининг иқтисодий муносабатларига оид тадқиқотлар илк маротаба даврий матбуот саҳифаларида ёритилган. Мазкур тадқиқотларда метрополиянинг савдо-сотиқ муносабатларида Россия ҳукмрон доиралари ва савдо-саноат буржуазиясининг тутган ўрни ва мавқеи ошириб кўрсатишга ҳаракат қилинган[1].

Хусусан, Н.И.Масальский, А.И.Дмитриев-Мамонов, М.А.Терентьев, А.И.Шахназаров, И.И.Гейер, Н.П.Верховский, С.Р.Конопко ва бошқа тадқиқотчилар томонидан Россиянинг иқтисодий сиёсатига доир бир қатор асарлар яратилди. Ушбу муаллифлар Россия империясининг Туркистон ўлкасида амалга оширган сиёсатнинг бевосита гувоҳи бўлишлари билан бирга бу жараёнда уларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишган. Мазкур тадқиқотларнинг деярли барчасида Россиянинг ўлка иқтисодиётини қайта ташкил этиш борасидаги ҳаракатлари ва стратегик режалари кўкларга кўтарилган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, муаллифларнинг аксарияти иқтисодий масалага ўзига хос ёндашиб, Туркистон ўлкасига Россия саноати учун асосий хом ашё етказиб берувчи база ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозор сифатида қараганлар[2]. Гарчи шундай бўлсада мазкур тадқиқотлар манбашунослик нуқтаи-назаридан фактик материалларга бой бўлиб, таҳлил этилаётган муаммонинг моҳиятини атрофлича ўрганишга ёрдам беради. Хусусан, Н.И.Масальскийнинг “Хлопковое дело в Средней Азии” асарида пахтанинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Россия империяси ҳудудида пахтачиликнинг ривожланиши, пахта тозалаш заводларининг пайдо бўлиши, савдо ташкилотлари, фирмалар фаолияти каби масалалар кўриб чиқилган ҳамда статистик маълумотлар асосида бу соҳанинг Россия империяси иқтисодидаги ўрни баён этилган. Бироқ муаллиф пахта якка ҳокимлиги ўрнатилишининг фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳамда бевосита пахта етиштирувчи маҳаллий аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида мулоҳаза юритмайди[3].

С.И.Гулишамбаровнинг Россия империяси, хусусан, Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётини ёритишга бағишланган тадқиқоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унда статистик маълумотлар асосида Ўрта Осиё темир йўллари орқали ташилаётган йўловчилар, юклар ва ундан келиб тушаётган даромадлар, сарф-харажатлар қиймати диаграммаларда акс эттирилган. Аҳоли сонининг ўсиб бориши, ўлкада жойлашган саноат корхоналари, қазилма бойликлари топилган ҳудудлар харитаси келтирилган. Шу билан бир қаторда, асарда Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаш руҳи устунлик қилади[4].

В.В.Заорская ва К.А.Александерларнинг статистик маълумотларни ижтимоий ҳаёт билан солиштириш асосида ёзилган асари Россия иқтисодиётида саноат корхоналарининг ўрни, уларнинг сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи муҳим манба саналади[5]. Лекин мазкур асарда империя ҳудудидаги барча саноат корхоналари тўла қамраб олинмаган. Бундан ташқари муаллифлар ўлкадаги корхоналарнинг метрополия манфаатларига хизмат қилиб, асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлашга йўналтирилганлиги тўғрисида деяпрли мулоҳаза юритишмайди.

Шунингдек, В.Н.Оглоблин, В.И.Юферев, Н.Н.Александров, Н.С.Лыкошинларнинг тадқиқотларида Россия империяси, империя таркибидаги ўлкалар иқтисодиётининг турли томонлари ёритилган[6]. Ушбу тадқиқотларда ҳам Россия империясининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожи анча-мунча бўрттириб кўрсатилганлигидан ташқари, мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари батафсил таҳлил қилинмаган.

3. Тадқиқот натижалари:

Иккинчи гуруҳга оид, яъни совет даврида яратилган аксарият илмий тадқиқотлар ва монографияларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларда мустамлакачилик масаласига синфий нуқтаи-назардан ёндашиш, ортиқча сиёсийлаштиришга берилиб кетиш оқибатида тарихни сохталаштириш ва мафкуранинг катта таъсири яққол сезилиб туради. Мазкур

тадқиқотларнинг аксариятида Россия империяси иқтисодий сиёсатининг “ижобий” томонларини кўроқ кўрсатишга уриниш кўзга ташланади.

XX асрнинг 20-30-йилларида, яъни ҳукмрон партия кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини тўлалигича қамраб олишга ҳали улгурмаган даврда яратилган адабиётларда мамлакат иқтисодиётига рус ва чет эл капиталининг кириб келиши, империяда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг жаҳон бозори ва молиявий тизимига жалб этилиши масалалари кўтарилган. Мазкур даврга оид адабиётларнинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, уларда Россия империясининг Туркистонга нисбатан олиб борган сиёсати мустамлакачиликдан иборат эканлиги эътироф этилган ҳамда миллий масаладаги зиддиятлар мавжудлигини ифодалашга ҳаракат қилган. Жумладан, Г.Сафаров ўлка аҳолисига нисбатан кўплаб ҳолатларда адолатсизлик қилинганлигини таъкидлайди[7].

А.Асаткин, И.Севостьянов, А.П.Демидов, Е.Федров, П.Г.Галузо, В.Лаврентьев, А.В.Шестаков сингари муаллифлар томонидан яратилган, мавзуга бевосита даҳлдор адабиётлар ҳам катта илмий аҳамиятга эга[8].

XX асрнинг 50-80-йилларида Россия империясининг иқтисодий сиёсатига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар орасида М.К.Рожкова, А.Аминов, Ҳ.Т.Турсунов, П.А.Ковалев, С.Соатов, М.П.Вяткин, А.М.Юлдашев, М.И.Вексельман каби тадқиқотчиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз[9]. Бундан ташқари ушбу йилларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар материалларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий нашрлари ва хабарларида, Ўрта Осиё университети тўпламларида ҳам мавзуга оид маълумотларни учратиш мумкин[10]. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бир қатор муаллифлар томонидан асосан пахтачилик, пахта тозалаш, ёғ-мой саноати тармоқлари фаолияти ва тоғ-кон саноатининг вужудга келиши масалаларига бағишланган монографиялар нашр этилганлигини қайд қилиш лозим[11].

Жумладан, М.П.Вяткиннинг “Монополистический капитал в Средней Азии” номли монографиясида Туркистонда амалга оширилган мустамлакачиликнинг йўналишлари ва усуллари масаласи, шунингдек, пахтачилик, ёғ-мой ва тоғ-кон саноатлари, савдо ҳамда суғориш тармоқларига молия капиталининг кириб келиши жараёнлари таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрига кўра, Туркистон сиёсий жиҳатдан Россия империясининг мустамлакаси бўлиб, аста-секин халқаро молия капиталининг мустамлакасига айлана борган[12]. Аммо унинг бу фикри М.И.Вексельман томонидан танқидга учради[13]. Шунингдек, М.П.Вяткин мавзуни ёритишда архив маълумотларидан ниҳоятда кам фойдаланган.

А.М.Юлдашев ўз монографиясида Россия империясининг аграр сиёсатининг асосий йўналишларини илмий асосда кўрсатиб бериш билан бирга, аграр қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнларини акс эттиришга ҳаракат қилган[14]. Шунингдек, Туркистон иқтисодиётида пахтачилик саноатининг пайдо бўлиши ҳамда маҳаллий деҳқон хўжаликларининг умумжаҳон хўжалигига жалб этилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда юз берган инқироз эволюцияси очиб берилган.

Ҳ.Т.Турсунов бой фактик материалларга таянган ҳолда 1916 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда юз берган озодлик курашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий сабабларини таҳлил этган ва халқ қўзғолонлари вужудга келишининг асосий сабабларини очиб берган[15].

Бу даврда яратилган барча асарлар ва тадқиқотларга хос умумий жиҳат шундан иборатки, уларда ўша давр тузум босими таъсирида тарих ўта сиёсийлаштирилиб, мамлакатдаги капиталистик иқтисодий сиёсатнинг қатор зиддиятлари ва ижтимоий ҳаётдаги муаммолар сабабли вужудга келган халқ норозиликлари, миллий озодлик курашлари большевикларнинг 1917 йилги В.И.Ленин бошчилигида юз берган “инқилобий” ҳаракатлари билан сунъий равишда боғлашга уринилган.

Ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатлари учинчи гуруҳга мансуб хорижий муаллифлар тадқиқотларида ҳам қисман ўз аксини топган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижий нашрларда ҳам Россия империясининг иқтисодий сиёсатига оид турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар, масалан, немис тарихчи олими Ф. фон Шварц Россия имериясининг миллий чекка ўлкалардаги иқтисодий сиёсатига ижобий баҳо бериб, уни оқлашга ҳаракат қилган. У ўзининг "Туркистон" асарини қуйидаги сўзлар билан якунлайди: "Туркистоннинг иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай келажаги йўқ ва у муқаррар ҳалокатга маҳкум"[16]. Унинг фикрига кўра, ўлка халқларини бу фожиадан қутқариб қолувчи ягона йўл Туркистоннинг Европага қўшилишидир.

Ўз навбатида О.Гётч ва Р.Юнгелар Россияда амалга оширилган иқтисодий сиёсатидаги зарарли оқибатларни тўлиқ акс эттириб, унга танқидий баҳо беришган[17]. Инглиз олими М.Аткин эса ўлкада мустамлака маъмурий бошқарув тизимининг ташкил этилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ўзига хос турмуш тарзи ва муносабатларга эга бўлган маҳаллий халқларнинг қаршилигини келтириб чиқариши мумкинлигидан огноҳлантирган[18].

Бугунги Россия тарихшунослигида ҳам ушбу масала қисман бўлса-да ўз аксини топмоқда. Хусусан, М.К.Любавский, О.И.Бурсина, С.Н.Брежневаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир[19]. Шунингдек, "Азиатская Россия: люди и структуры империи" илмий тўпламларидаги мақолаларда Россия империяси томонидан амалга оширилган иқтисодий сиёсат, миллий чекка ўлкаларда мустамлака тартибларининг ўрнатилиши ва кўчириш сиёсати натижасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўз аксини топган[20].

4. Хулосалар:

Таҳлил этилаётган муаммога доир илмий тадқиқотлар Қозоғистон олимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Уларда мамлакатнинг XVIII асрдан 1917 йилга қадар бўлган даврдаги бир-бирига ўзаро боғлиқ муаммолари, хусусан, қозоқ хонларининг қўшни давлатлар билан муносабатлари ва ҳудудда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий маданиятнинг аҳволи, савдо-сотиқ, миграция жараёнлари ва маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [21].

Тарихий тараққиёт жараёнлари капиталистик ишлаб чиқариш тизими ўзининг иқтисодий характерига кўра таъсир доирасини кенгайтирмасдан туриб ривожлана олмаслигини кўрсатди. Россия империясининг мамлакатда олиб борган иқтисодий сиёсатининг моҳияти ўлкада савдо-саноат капитали мавқеини мустаҳкамлаш, товар-пул муносабатларини ривожлантириш, урбанизация жараёнлари ва мулкий табақаланишни тезлаштириш, ерларнинг катта қисми мулкдорлар қўлида тўпланишини таъминлашдан иборат бўлди.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шундан гувоҳлик берадики, Россия империясининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги иқтисодий муносабатлари тарихи тўла ўрганилган ва якуний илмий хулосалар чиқарилган деб бўлмайди. Бинобарин, ўрганилаётган мавзунинг ҳали ҳар томонлама чуқур тадқиқот объекти бўлмаганлигини қайд этиш билан бирга, советлар даври мафкураси уни илмий жиҳатдан асосли, тарихан холис тадқиқ этишга имкон бермаганлиги таъкидлаш жоиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Условия торговли хлопком // Москва. – Москва, 1873. – № 92-93; Фридман М.И. Финансовая реформа // Вестник финансов промышленности и торговли. – Москва, 1916. – № 8-10. – С. 56; Баланс коммерческих банков. Баланс Русско-Азиатского банка за 1 сентября 1916 года // Финансовая жизнь – Москва, 1917 – № 33-34. – С. 24-27; (Conditions of trade in cotton // Moscow. - Moscow, 1873. - No. 92-93; Fridman M.I. Financial reform // Bulletin of finance industry and trade. - Moscow, 1916. - No. 8-10. - P. 56; Balance sheet of commercial banks. Balance sheet of the Russian-Asian Bank for September 1, 1916 // Financial Life - Moscow, 1917 - No. 33-34. - S. 24-27;)

2. Конопко С. Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1912. 87 с.; Малаховский Н.И. Материалы для изучения хлопководства. – СПб., 1912. 239 с. (Konopko S. R. Turkestan region. - Tashkent, 1912.87 p.; Malakhovsky N.I. Materials for studying cotton growing. - SPb., 1912.239 p.)
3. Масальский Н.И. Туркестанский край. – СПб., 1913. – С.56;(Masalsky N.I. Turkestan region. - SPb., 1913. - P.56;)
4. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средней-Азиатской железной дорогой. – Ашгабад, 1913. Ч. I-III. – С.287;(Gulishambarov S.I. Economic overview of the Turkestan region served by the Central Asian railway. - Ashgabat, 1913. Part I-III. - P.287;)
5. Заорская В. В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. – СПб., 1915. 557 с.(Zaorskaya V.V. and Alexander K.A. Industrial establishments of the Turkestan region. - SPb., 1915.557 p)
6. Оглобин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. – Москва, 1914. – С.80; Юферев В.И. История возникновения и развития хлопководства в Туркестане. – СПб., 1914. 167 с.(Oglobin VN Industry and trade of Turkestan. - Moscow, 1914. - P. 80; V. I. Yuferev The history of the emergence and development of cotton growing in Turkestan. - SPb., 1914.167 p).
7. Сафаров Г.И. Колониальная революция. – Москва, 1921. – С.34(Safarov G.I. Colonial revolution. - Moscow, 1921. - p. 34.)
8. Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Турк республики. – Ташкент, 1921. – С.48;(Севостьянов И. Хлопководство и хлопковая промышленность. – Москва, 1921. – С. 67; Средне-Азиатский экономический район. Очерки по экономике Средней Азии / Под. ред. Ю.И.Пословского и Г.Н. Черданцева – Ташкент, Изд-во ТЭС, 1922. 119 с.;(Asatkin A. Essays on the economic life of the Turk republic. - Tashkent, 1921. - P.48; Sevostyanov I. Cotton growing and cotton industry. - Moscow, 1921. - P. 67; Central Asian economic region. Essays on the Economy of Central Asia / Under. ed. Yu.I. Poslovsky and G.N. Cherdantseva - Tashkent, TPP Publishing House, 1922.119 p)
9. Рожкова М. К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – Москва: Изд-во АН СССР. 1947, 392 с. (Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. 297 с.; Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1987. 144 с. (Rozhkova MK Economic policy of the tsarist government in the Middle East in the second quarter of the nineteenth century and the Russian bourgeoisie. - Moscow: Publishing house of the USSR Academy of Sciences. 1947, 392 p .; Aminov A. Economic development of Central Asia (colonial period). - Tashkent: State Publishing House of the UzSSR, 1959.297 p.; Vekselman M. I. Russian monopoly and foreign capital in Central Asia. –Tashkent: Fan, 1987.144 p).
10. Вахабов М.Г. К вопросу о формировании узбекской буржуазной нации // Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955. – С. 145-163;(Vakhabov M.G. On the question of the formation of the Uzbek bourgeois nation // Materials of a scientific session dedicated to the history of Central Asia and Kazakhstan in the pre-October period. - Tashkent: Publishing house of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1955. - S. 145-163);
11. Власова Э.Н., Деева Е.А., Кравец Л.Н., Файзиева З. Формирование рабочего класса в дореволюционном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1979. 256 с. (Vlasova EN, Deeva EA, Kravets LN, Faizieva Z. Formation of the working class in pre-revolutionary Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1979.256 p);
12. Вяткин М.П. Монополистический капитал в Средней Азии. – Фрунзе: Илим, 1962. 165 с. (Vyatkin M.P. Monopoly capital in Central Asia. - Frunze: Ilim, 1962.165 p.)

13. Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1987. 14 с.(Vekselman MI Russian monopoly and foreign capital in Central Asia. –Tashkent: Fan, 1987. 14 p.)
14. Юлдашев А.М. Аграные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 255. (Yuldashev A.M. Agrarian relations in Turkestan (late 19th - early 20th centuries). - Tashkent: Uzbekistan, 1969. - P. 255)
15. Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – С. 4.(Tursunov H. 1916 Uprising in Central Asia and Kazakhstan. - Tashkent: State Publishing House of the UzSSR, 1962. - P. 4.)
16. Schwartz Fr. V. Turkestan die Wiege indogermanischen Volker. Freiburg im Breisgau, 1900. – S. 606.
17. Hoetzsch O. Russisch-Nurkestan und die Tendenzen der heutigen russichen Kolonialpolitik // Jahrbuch fur Gesetzgebung? Vorwaltung und Volkswiterschaft im deutschen Reich. – Lepzig, Munich, 1913. bd. 37. – S. 903-941; Junge R. Das Problem der Europaisierung orientalischer Wirtschaft von Russisch Turkestan. – Weimar, 1915. – S. 123.
18. Atkin M. Rossia and Iran. – Minneapoolis, 1980. – P. 146-148.
19. Любавский М.К. Обзор русской колонизации. – Москва: МГУ, 1996. – С. 520-528; Брежнева С.Н. Подгатовка Российской империи к наступлению на Туркестан в 50-е годы XIX в // Вестник Московского университета. – Москва: МГУ, 2004. Сер. 8. История. – № 3. – С. 21-42. (Lyubavsky M.K. Review of Russian colonization. - Moscow: Moscow State University, 1996. - S. 520-528; S. N. Brezhnev Preparation of the Russian Empire for an offensive on Turkestan in the 50s of the 19th century // Bulletin of Moscow University. - Moscow: Moscow State University, 2004. Ser. 8. History. - No. 3. - P. 21-42)
20. Азиатская Россия: люди и структуры империи: сборник научных статей. К 50-летию со дня рождения профессора А.В. Ремнева / под ред. Н.Г.Суворовой. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2005. – 600 с. (Asian Russia: people and structures of the empire: collection of scientific articles. On the occasion of the 50th anniversary of the birth of Professor A.V. Remnev / ed. N.G. Suvorova. - Omsk: Publishing house of OmSU, 2005. - 600 p.)
21. История Казахстана с древнейших времен до наших дней (Очерки). – Алмата: Дэуір. 1993. – С. 224-277;(History of Kazakhstan from ancient times to the present day (Essays). - Almaty: Daewip. 1993. - S. 224-277;)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Фуркат Эшбоевич Тошбоев,
Жиззах давлат педагогика институти доценти
Дилшод Рашидович Холмуродов,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

For citation: Furkat E.Toshboev, Dilshod R.Kholmurodov, HISTORY OF COOPERATION OF ARCHEOLOGISTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.82-88

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-12

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорликларнинг рус зиёлилари томонидан ўрганилиш тарихи илмий таҳлил этилган. Олиб борилган археологик тадқиқотларни икки йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналишда, деҳқончилик микровоҳаларидаги манзилгоҳлар – қўналға (поселения)лар, қишлоқ макон (мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳ)лари, карвонсаройлар, мудофаа иншоатлари, қаъла ва шаҳарларни ўрганиш. Иккинчи йўналишда эса чорвадорлар маданиятига оид мозорқўрғонларни ўрганиш.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, археология, ёдгорликлар, тадқиқот, рус олимлари, мудофаа иншоотлари, қалъа, шаҳарлар, деҳқончилик, чорвачилик.

Фуркат Эшбоевич Тошбоев,
Доцент Джизакского государственного
педагогического института
Дильшод Рашидович Холмуродов,
Преподаватель Джизакского государственного
педагогического института

ИСТОРИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА АРХЕОЛОГОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье дается научный анализ истории изучения русской интеллигенцией археологических памятников Узбекистана. Археологические раскопки можно рассматривать в двух направлениях. По первому направлению изучение поселений в сельскохозяйственных микрорайонах - поселков, поселений (укрепленных общинных поселений), караван-сараев, оборонительных сооружений, замков и городов. Второе направление - изучение кладбищ, связанных с культурой животноводов.

Ключевые слова: Узбекистан, археология, памятники, исследования, российские ученые, оборонные сооружения, замки, города, сельское хозяйство, животноводство.

Furkat E.Toshboev,
Associate Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute
Dilshod R.Kholmurodov,
Lecturer at Jizzakh State Pedagogical Institute

HISTORY OF COOPERATION OF ARCHEOLOGISTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION

ABSTRACT

The article provides a scientific analysis of the history of the study of archaeological monuments of Uzbekistan by the Russian intelligentsia. Archaeological excavations can be viewed in two ways. In the first direction, the study of settlements in agricultural micro-districts - settlements, settlements (fortified communal settlements), caravanserais, defensive structures, castles and cities. The second direction is the study of cemeteries associated with the culture of livestock breeders.

Index Terms: Uzbekistan, archeology, monuments, research, Russian scientists, defense structures, castles, cities, agriculture, animal husbandry.

1.Долзарблиги:

Археология фани дунё миқёсида катта тарихий ахамиятга эга бўлиб, ўз шаклланиши ва тараққиётининг узоқ йўлини босиб ўтган ижтимоий гуманитар фан тармоқларидан биридир. Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди қадимдан жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу ҳудуд тарихимизнинг турли даврларига тегишли бой маданий археологик ёдгорликларга маскан ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш Россия империяси босқинидан сўнг, XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус олимларининг ташаббуси билан ўрганила бошланган. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларини тадқиқ этишда археология фани алоҳида аҳамият касб этади.

2.Методлар:

Масала тарихини ўрганиш ва тизимлаштириш, таққослаш, тарихий маълумотларни умумлаштириш, илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, холислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш машҳур шарқшунос Н.И. Веселовский томонидан 1884 йилда Фарғона водийсидаги ўтроқ аҳоли маданиятига мансуб ёдгорликлар ва дашт ҳудудларида жойлашган қурум ва муғхоналар ҳамда Ўзганнинг шарқий томонида жойлашган мозорқўрғонларни очиб ўрганишдан бошланган[1]. 1886 йил В.М. Флоринский томонидан Еттисув яқинида эрамиз бошларига оид мозорқўрғонлар очилган. 1887 йил Н.П. Остроумов инқилобгача бўлган даврда биринчи бўлиб, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қазув ишларини ташкил этган. Бу қазув ишлари Тошкент атрофларида фаол бошланиб кейинчалик, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам ташкил этилган [2].

1895 йилда Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўгараги (ТҲАТ) ташкил топгач, Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятини уюшган ҳолда тадқиқ этиш имконияти пайдо бўлди. Туркистон халқларининг ўтмиш тарихи ва маданиятини фаол тарзда ўрганишга киришган рус мутахассислари, ушбу тадқиқотларни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий аҳолининг пешқадам зиёлилари, илғор фикрловчи уламолари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар.

Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан шундай зиёлилардан бири тошкентлик савдогар Акрам Асқаров эди. Унинг қадимги танга ва бошқа ашёлардан иборат катта коллекцияси бўлиб, уларни йиғишда ҳам катта тажрибага эга бўлган. Аксарият ҳолларда тангадаги

ёзувларни ўқий олган. А.Асқаров ўзининг қадимги ашёлар коллекцияси билан нафақат маҳаллий аҳоли орасида балки, рус шарқшуносларига ҳам таниш эди. Шунинг учун Н.И.Веселовский таклифи билан Туркистонда ўтказилган қазув-қидирув тадқиқотларида бир неча бор қатнашган. Ушбу колллекционер томонидан халқимиз моддий маданияти билан боғлиқ қимматбаҳо танга ва бошқа буюмлар рус тадқиқотчиларига бериб юборилган. Бу хизматлари учун Акрам Асқаров Россия археологик комиссияси томонидан "Археология ривожига ҳисса қўшгани учун" кичик кумуш медал билан мукофотланган. Ў ўзининг вафоти арафасида (1871) кўп йиллар мобайнида тўплаган коллекциясини давлат (Туркистон генерал губернатори маҳкамаси)га топширган. Улар ҳозир Россия Федерациясининг Эрмитаж музейида сақланмоқда[3].

Яна бир ўлкашунос, самарқандлик Абу Саид Махсум ўз даврининг ўқимишли, билимдон киши, ҳаттотлик санъатини пухта эгаллаган зиёлиларидан бири бўлган. У киши ўрта асрларга оид араб ва форс манбаларни эркин ўқиб, ўзбек (туркий) тилига таржима қила олган. Рус зиёлилари ва археологлари унинг бу илмий салоҳиятидан Ўрта Осиёдаги тадқиқотлари учун унумли фойдалана олганлар. Манбаларни қиёсий ўрганган Абу Саид Махсум рус олими В.Л.Вяткинга Улуғбек расадхонаси жойлашган жойни аниқ кўрсатиб бера олган. 1909 йил Ўрта Осиёни ўрганиш комитети уни расадҳона очилишига қўшган муносиб ҳиссаси учун 100 рубль пул мукофоти билан тақдирлайди.

XIX аср охири XX аср бошларида маҳаллий аҳоли орасидан чиққан зиёли, илмга қизиқувчи, ўз даврининг билимдонларига таяниб тадқиқот олиб борган рус шарқшунос, археологлари юртимиз тарихига оид ноёб маълумотларни қўлга киритадилар. Рус олимларининг маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорликдаги қидирув ишлари ва археологик қазувлари Ўзбекистон археологларининг Россиялик олимлар билан илмий ҳамкорлик алоқаларининг бошланиши эди. Ҳамкорликнинг дастлабки пайтларида кўплаб моддий ва ёзма манбалар қўлга киритилган бўлиб, улар ҳозирги кунда Россия федерациясининг Давлат Эрмитажида, Этнография, Антропология ва Этнология, Санъатшунослик, Халқ амалий санъати Давлат музейларида сақланмоқда[4]. Улар орасида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган жуда кўплаб археологик ашёлар ва коллекциялар бор.

Россия империяси томонидан 1917 йил октябрь тўнтаришигача Ўрта Осиёдаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун бирон та махсус илмий археологик экспедиция юборилмаган. Қазув ишлари давлат томонидан ташкил этилмаган ва бу тадқиқотлар ўз номига мос бўлган россиялик Туркистон ҳаваскорлар (ТҲАТ)томонидан ўтказилган. Бу тўгарак аъзолари томонидан олиб борилган изланишлар эса асосан эсдаликлар шаклида бўлиб, улар асосан мавжуд ёдгорликларни ёзиб олиш ва қайд этиш билан чекланган[5]. ТҲАТ нинг қазув тадқиқотлари асосан, Чоч, Сўғд ва Фарғона водийси воҳаларидаги ёдгорликлар билан боғлиқ эди. Шундай бўлсада, ушбу тўгарак аъзоларининг Ўрта Осиё ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва дастлабки қазув ишлари Ўзбекистон археологиясининг кейинги ривожида катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ҳудудидаги ёдгорликларнинг рус зиёлилари томонидан ўрганилиш тарихини икки йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналишда, деҳқончилик микровоҳаларидаги манзилгоҳлар – қўналға (поселения)лар, қишлоқ макон (мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳ)лари, карвонсаройлар, мудофаа иншоатлари, қаъла ва шаҳарларни ўрганиш. Иккинчи йўналишда эса чорвадорлар маданиятига оид мозорқўрғонларни ўрганиш.

Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин қадимги ёдгорликлар, санъат ва маданий меъросни ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида Турккомстарис ташкил этилди. Дастлабки пайтларда ушбу ташкилот 1917 йилги инқилобгача фаолият юритган ТҲАТ олимлари ва ўлкашуносларига таяниб иш олиб борди. Давр талаби билан инқилобдан кейин унинг иш фаолиятида ўзгариш ясалди ва тарихий ёдгорликлар, санъат ва маданий ёдгорликларни асраш ва ўрганишни давлат ўз хомийлигига олишга ҳаракат қилди. Энди санъат ва маданият ёдгорликларини асрашни Туркистон АССР ўз зиммасига олди ва шунга оид қарор ва фармойишлар чиқарилди.

1918-1920 йилларда бундай ташкилотлар маҳаллий ва ҳарбий муассасалар ёки илмий ходимлар ва ўлкашунослар ташаббуси билан ташкил этилди. 1918 йил кузида собиқ ТҲАТ нинг аъзолари В.Л.Вяткин, Б.Н. Кастальский вилоят архитектори М.Ф. Мауер билан биргаликда XV асрда қурилган Улуғбек мадрасасининг минора қисмини қулаш арафасига бориб қолганлиги, ташқи деворнинг эса қаттиқ емирилганлигини таъкидлаб, уни тиклаш ва таъмирлаш ташаббуси билан чиқадилар. 1919 йил Самарқанд вилоят халқ комиссарлари совети ушбу таклифни қўллаб, ёдгорликни сақлаш ва асраб қолиш учун рассом А.К. Татезосян бошчилигида гуруҳ ташкил этади. Бу комиссия Ўрта Осиёда 1918- 20 йилларда кечган кучли сиёсий ва иқтисодий инқирозларга қарамай, ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш борасида муваффақиятли фаолият олиб боради. Бироқ, маҳаллий ҳокимият органлари жамғармасида маблағ кам бўлганлигидан, унинг фаолиятини ташкил этиш борасида лоқайд бўлдилар.

XX асрнинг 20- йилларида ушбу ташкилот томонидан бир қанча ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ўтказилган. 20- йиллари охири айниқса, 1928 йил Средазкомстарис ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларида қишлоқ маконлари, шаҳар маданиятига оид ёдгорликлар, карвонсаройлар ва чорвадорлар маданиятига оид мозоркўрғонларни режали асосда очиб ўрганиш ҳам бошлаб юборилади. Узкомстарис ташаббуси билан 1928 йил М.Е.Массон Оҳангарон ва Тўйтепада, М.В. Веоводский бошчилигида 1929 йил Пскентда, Б.А. Латынин томонидан 1934 йил Исфарада, В.Л.Вяткин 1925-30 йилларда Афросиёб шаҳар ёдгорлигида, М.Е. Массон раҳбарлигида 1935-38 йилларда Чирчиқ дарёси бўйларида ва қадимий Термизда, Ю.Якубовский 1934-1939 йиллар Зарафшон водийсида, В.А.Шишкин 1936-1938 йилларда Бухоро ва Самарқандда С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломовлар 1937-1950 йилларда кўҳна Хоразм воҳасида, А.П.Окладников 1938-1939 йиллар Тешиктош ва Мачай ғорларида[6], Г.В.Григорьев ва М.Э. Воронецлар томонидан 1937-38 йилларда Жун ариғи бўйлари ва Қовунчитепага яқин ҳудудларда кўплаб археологик ёдгорликлар очиб ўрганилган[7].

Бу пайтда, нафақат Ўзбекистон халқлари балки, қўшни республикалар маданияти тарихига ҳам дахлдор бўлган улкан тадқиқотлар бошланди. Бу Тошкент воҳасида “Қовунчи маданияти” га оид ёдгорликларнинг комплекс ҳолда ўрганилиши даврининг бошланиши билан белгиланади. XX аср 30- йилларидан бошлаб Қовунчи маданиятига оид ёдгорликлар Тошкент воҳаси (Чирчиқ, Оҳангарон водийси)да М.Е. Массон, М.Э. Воронец, Г.В.Григорьев, А.И.Тереножкин, Т.Г. Обольдуева, Б.А. Литвинский, Х. Дуке, Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, Л.М. Левина ва бошқа археологлар томонидан мақсадли равишда илмий ўрганилган. Тинимсиз изланишлар натижасида, Қовунчи маданиятига мансуб шаҳар ҳаробалари – қадимги шаҳар маданиятининг йирик пунктлари, қаср типидаги унча йирик бўлмаган истеҳкомлар, турар жойлар, мудофаа деворлари ва мозоркўрғонлар ўрганилиб, Қовунчи маданиятининг пайдо бўлиши илдизлари минтақа халқлари маданияти ва этник шаклланишидаги ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида яхлит илмий маълумотлар тўпланган.

XX асрнинг 30- йилларига келиб ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги ёдгорликлар шу билан биргаликда, тоғ ёнбағирлари ва унга туташ дашт ва чўллик ҳудудларда даврлар мобайнида усти емирилиб ярим доира шаклида тупроқ ёки тошдан кўтарилган ва айни пайтгача сақланиб қолган кўплаб мозоркўрғонлар борлиги маълум бўлди. Тошкент воҳасида шаҳар маданиятига мансуб ёдгорликлар билан биргаликда кўчманчилар маданиятига оид Тўй-тепа, Шоштепа, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Қавардан, Оҳангорон, Ачамойли каби мозоркўрғонлардан қадим тарихимиз ва унда кўчманчиларнинг тутган ўрни бўйича кўплаб янгиликлар кашф қилинган. Бу мозоркўрғонлар мил. авв. III-II асрлардан то милодий VIII асрларигача бўлган даврларга оид эканлиги аниқланиб, кўплаб ноёб ашёвий манбалар муомалага киритилган.

Шу ўринда, Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон археологиясини ўрганишда, уни тараққий эттиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, таниқли Хоразмшунос олим, прфессор С.П.Толстовнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. С. П. Толстлв биринчи маротаба

у 1929 йилда илк бор Хоразмга келган эди. С.Толстовнинг Хоразмга қизиқишига сабаб, биринчидан у талабалик давридаёқ Волга бўйи халқлари этнографияси билан шуғулланган, бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида, бу маданиятнинг талайгина жиҳатлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат берарди.

С.П.Толстовнинг археологик ишларда ўрганилган айрим маълумотларга тўхталиб ўтсак. Хоразм археология-этнография экспедицияси - Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан мил. 18—19 асрларгача) текшириш мақсадида уюштирилган экспедиция (1937). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1928-29 й.ларда бошланган. А. Ю. Якубовский бошчилигидаги экспедиция хоразмшоҳлар пойтахти - Урганч(ҳоз. Кўҳна Урганч) даги меъморий ёдгорликларни ва илк ўрта аср шаҳри Миздахқон (Хўжайли яқинидаги Гавр қалъа)да қазишма ишлари олиб борган. 1934 йил Тошҳовуздаги Замахшар шаҳар харобасида М. В. Воеводский экспедицияси фаолият юргизган. Экспедиция таркиби йилдан йилга археолог, этнограф, антрополог, рассом, меъмор ва бошқа мутахассислар билан кенгайтирилган. Натижада Хоразм қадимдан Волга– Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жанубий Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари билан тарихий маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилган. Илмий ҳисоботлар “Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции” номи билан нашр қилинади. Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти туфайли биринчи марта 1956 йил Хоразмнинг археология харитаси тузилган[8].

С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси 1937-1940 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали бўйлаб қазув тадқиқотларини ўтказган. Олиб борилган изланишлар натижасида, Амиробод маданиятининг қадимги Хоразмнинг милоддан аввалги 9-8 асрларга яъни сўнгги бронза даври манзилгохи эканлиги ва унинг Сувёрган ва Тозабоғёб маданияти уйғунлашуви асосида шаклланганлиги исботланган. Шунингдек, бронза буюмларнинг кўплаб топилиши ўша даврда металл қуйиш техникасининг ривожланганлигини, халқ хўжалигидан тош қуролларнинг меҳнат қуроллари сифатида сиқиб чиқарилганлигини кўрсатади. Амиробод маданиятининг ноёб ёдгорликлари Якка Парсон 2 ва Қубод 2 ёдгорликларидан сиртига турли шакллар чизилган сопол идишлар, маржон, чиғаноқ шодалари, жездан ясалган тақинчоқлар, бигизлар, ўроқ ҳамда ўқ учлари ва уларнинг қолиплари топилиши бу ерда яшаган аҳолининг ҳунармандчилик борасида ҳам моҳир бўлганлигини исботлаган[9].

С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-этнография экспедицияси 1938-1939 йилларда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидаги Султон Увайс тоғи жанубий-шарқида жойлашган (мил. авв. IV аср-милодий II аср) Жонбос қалъа, Ёнбош қалъа - қадимги қалъа харобалари ўрганилди.

Тупроқ қалъа - қадимги шаҳар-қалъа харобаси милодий III-IV асрлардаги хоразмшоҳлар қароргоҳи. Ҳозирги Беруний шаҳри атрофидаги ҳудудда жойлашган.

Ўзбекистонда Темир даврида оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир тадқиқотлар С.П. Толстов, А.И. Тереножкин ва Я. Ғуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида Темир даври ёдгорликлари мил. авв. VIII-VI асрларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган; Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шаҳар харобалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қўрғонлари, Бўкантов қоятош суратлари текширилган. Темир даврида қадимги Хоразм ҳудудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вужудга келган [10].

1938-1950 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Тупроққалъанинг маданий қатламидан, милод бошларидан VI асргача бўлган даврга оид ашёвий материаллар чиққан. Тупроққалъада 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари ва 8 та сарой хоналари қазилган.

XX арнинг 30-50 йилларида Россия археологларининг маҳаллий кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолияти ҳам сермаҳсул бўлган. Ўзбекистон археологларининг устози Я.Ғ. Ғуломов фаолиятининг бошланишада ҳам рус археологларининг ўрни катта бўлган. Я.Ғ.Ғуломов илк фаолиятини 1933 йилда М.Е.Массон бошчилигида уюштирилган Термиз, 1934 йилда А.Ю. Якубовский раҳбарлигида Давлат Эрмитажи ва "Узкомстарис" томонидан Зарафшон экспедицияси таркибида бошлайди.

Рус археологларидан бу илмнинг сирларнии ўрганган Я.Ғуломов қадимги Хоразм ерларида сақланиб қолган кўплаб археологик ёдгорликлар, бу кўҳна ўлкани қачонлардир оби ҳаёт билан таъмин этган кўҳна суғориш тармоқларининг қуруқ ўзанлари ва атрофда сочилиб ётган турли-туман археологик топилмаларни ўрганар экан, деҳқончилик хўжалигининг асоси ҳисобланган суғориш тарихи билан жиддий шуғулланишни илмий-тадқиқотларининг ўзаги сифатида қарайди. Чунки, Ўрта Осиёнинг қадимги маданият масканларидан бири ҳисобланган Хоразмнинг ўзлаштирилиб обод этилиш тарихи, қадимги маданияти ва бу ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритиш учун Хоразмнинг суғорилиш тарихини босқичма-босқич синчиклаб ўрганиш ва катта куч билан кенг кўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш зарур эди.

Шундай қилиб, собиқ шўролар даври (1917-1991) Ўзбекистонда турли мавзу ва илмий мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган кўплаб археологик экспедицияларнинг хизмат сафарлари уюштирилган йиллар сифатида археология фани тарихига кирди. Бунда Россиялик археологларнинг хизматлари катта бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон республикаси билан дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари ўртасида археолог тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиш бўйича келушувлар имзоланган. Бунда Россиялик археололглар билан биргаликда олиб борилаётган изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Археология институт билан Россия фанлар академияси маданият тарихи институти (Санкт-Петурбург) ўртасида Аҳонгоронда полеолит даври маданият ёдгорликларини ўрганиш бўйича келишув имзоланган. Бунда ҳар икки томон топилган ёдгорликларни асраш, илмий ишлов бериш, топилмалар ҳақида илмий ахборотлар бериб боришни ўз зиммаларига олган.

1994 – 1995 йилларда Ангрен шаҳри яқинида Кўлбулоқ қишлоғида полеолит даврига хос манзилгоҳда ўзбек-рус археологлари навбатдаги изланишларни олиб борган. Бу манзилгоҳ илгари О.М.Ростовцов, сўнг М.Р.Қосимов томонидан ҳам (1962-1985 йй) ўрганилган эди. Унда тош асри устахоналари топилган бўлиб, бу ердан тош қазиб олиб, меҳнат қуроллари ясаганлиги аниқланган эди. Россиялик археолог Н.К.Анисюткина бошчилик қилган бу экспедиция томонидан (1994-1995 йй) қазув ишлари чоғида илк полеолит даврига оид меҳнат қуроллари – чопқич, тўғнағич, пичоқ каби буюмлар ўрганилган. Манзилгоҳ одамлари ёввойи, от, хўкиз, сайғоқ, кийикларни овлашганлиги яна юир бор исботланган.

1998 йили Тошкент яқинидаги Оби-Раҳмат ғорида илмий тадқиқот ишларини ҳамкорликда олиб бориш учун Ўзбекистон Археология институти ва Россия фанлар Академияси ва Этнография институти ўртасида аҳдлашувга келишилди. Бу қўшма экспедицияга Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон РФА академиги У.И.Исламов, Россия томонидан РФА академиги А.П Деревянко бошчилик қилган[11].

2007-2011 йиллар давомида ўзаро ҳамкорликда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида нафақат илк полеолит, ўрта ва сўнгги полеолит даврига оид кўплаб маданий қатламлар очиб ўрганилди. Бунда меҳнат қуролларини такомиллаштирилиб борилиши ҳамда мезолит даври маданиятини вужудга келиши кузатилган. Россия ва Ўзбекистон тархеологларини 2011-2015 йиллар давомида Ангренга уюштирган экспедециялари давомида Додектам-2 ва Қизилолма каби манзилгоҳ топиб ўрганилди[12]. Археологларнинг асосий вазифаси илк полеолит даврини чуқур ўрганиб таҳлил қилиш ҳамда Кўлбулоқда ўрта полеолит даврини қайта кўриб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдила[13].

2010-2015 йиллардаги ўзбек ва рус археологларининг биргаликдаги илмий тадқиқотлари натижасида, ибтидоий одамлар яшаш жойларини тўлиқ ташлаб кетмаганлиги, яшаш учун табиий ғор ва ярим ертўла шаклларидан фойдаланганлар ва қадимги одамлар бу ерни бир неча бор ташлаб кетиб яна қайтиб келганлар, деган хулосага келдилар[14].

4. Хулосалар:

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқ даврида олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар натижасида ватанимиз тарихига оид илмий кашфиётлар қилинди. Айниқса, археологик қазишма ишлари, археологик экспедицияларда рус олимлари билан маҳаллий мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ўзига хос профессионал археология мактаби шаклланди. Россия археологлари билан ҳамкорликда олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон археологияси дунё илм-фан даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги археология соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистоннинг кадимий бой маданиятини янада ривожлантирибгина қолмай икки мамлакат халқларининг дўстлик ришталарини янада мустахкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии // ИМКУ. – Тошкент: 1964, –№ 5. –С.214.
2. ЎзР.МДА.Ф.М-7 рўйхат 11. Сақл.бир. 817. 45, 93 бетлар
3. ЎзР.МДА.Ф.М-7, рўйхат 2, сақл.бир. 80 42-бет
4. ЎзР.МДА.Ф.М-7, рўйхат 2, сақл.бир.80. 42-46-бетлар
5. Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ., Жиззах тарихи. -Т.: 2007. –Б. 33-34.
6. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ.// Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1. 4-10 бет
7. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии... –С.220-225.
8. Алимова Д., Асқаров А. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. 8 жилд, 488-бет.
9. Холбоев З.Т “Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари” ўқув услубий қўлланма. ЖДПИ, 2014 й.
10. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. -Тошкент, 1959. -Б.39,48.
11. Ҳошимов Х.Б. Новые достижение Российско-узбекской экспедиции в области археологии. Личность и время. -Ташкент, 2017,308-с.
12. Личность и время: “Николай Остроумов”, Международная научная конференция. -Т., 2016. 309-310 с.
13. Деревянко А.П., Исламов У.И., Колобова К.А., Фляс Д., Кривошапкин А.И, Лашинский С.В., Крахмаль К.А., Звинц С.В., [14] Павленок К.К., Мухтаров Г.А. История материальной культури Узбекистана. Вип.36. -Ташкент, 2008. С-88.
14. УзР. Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти. 8-варақ.
15. УзР. Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти. 8-варақ.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000